Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 14 июнь, чоршанба • № 47 (10.723) • Эркин нархда сотилади

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ДАВЛАТ МУЛКИ БЎЛГАН КОРХОНАЛАРНИ АКЦИЯЛАШТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон давлат корхоналарини очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантириш суръатларини жадаллаштиришни амалга оширишга имкон берадиган норматив-ҳуқуқий база яратилди. Ҳукумат томонидан давлат хусусийлаштириш дастури тасдиқланган, унда қонунда белгиланган ёндашувлар аниқлаштирилган, мақсадлар, устиворликлар белгиланган, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича хусусийлаштиришга доир топшириқлар берилган.

Ҳозирги вақтга келиб республикада уч мингдан кўпроқ давлат корхоналари акциялаштирилган. Ушбу жараёнлар «Узбекенгилсаноат», «Узгўштсутсаноат» уюшмаларида, шунингдек, Андижон, Самарқанд вилоятларида ва Тошкент шаҳрида фаол амалга оширилмоқда. Бир қатор акциялаштирилган корхоналарнинг ҳатто қисқа муддатдаги фаолияти ҳам улар ишининг анча яхшиланганидан, акционерлар даромадларининг кўпайганлигидан, мулкдорлик туйғусининг, ижодий ва меҳнат потенциалининг сафарбарлиги ошганлигидан далолат бермоқда.

Бироқ бир қатор вазирликлар, идоралар, концернлар ва уюшмаларнинг раҳбарлари янгиликка интилмаяптилар ҳамда корхоналарни акциялаштириш жараёнининг Узбекистонда иқтисодий ислоҳотлар дастурини амалга оширишдаги муҳим роли ва аҳамиятини тушуниб етмаяптилар. Корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда маъмурий-бошқарув ходимлари орасида ҳанузгача сақланиб қолган бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими пайдо қилган боқимандалик кайфияти акциялаштириш муддатларини чўзиб юборишнинг ва баъзан уни эътироф этмасликнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Бу ҳолат давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ҳар томонлама кумаклашишга, ушбу жараёнларни жадаллаштириш бўйича зарур тушунтириш ва оператив ишларни таъминлашга даъват этилган бир қатор давлат муассасалари ишларида чуқур илдиз отган бюрократизм оқибатида ҳам кучаймоқда. Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва шу кабилар бир қатор бўлинмаларининг масъул ходимлари кўпинча бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйишмоқда, акциялаштирилаётган корхоналарнинг таъсис ҳужжатларини уз вақтида кўриб чиқишда сунъий тўсиқлар вужудга келтиришмоқда, бу билан акционерлик жамиятларини шакллантириш муддатларини чўзиб юборишмоқда.

Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришнинг ташкилий механизмлари етарли даражада ишлаб чиқилмаган, бу эса баъзан ушбу ғоят муҳим ишни амалга оширишда суиистеъмолчилик ҳолларига олиб келмоқда. Қимматли қоғозлар бозори суст ривожланмоқда, қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори эса амалда ташкил этилмаган.

Вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар ва уюшмалар, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар раҳбарларининг ҳаммаси ҳам давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозори ва умуман, бозор инфраструктурасини ривожлантириш масалалари билан шахсан шуғулланмаяптилар.

Буларнинг барчаси монопол тузилмаларни тарқатиб юбориш йўлида қўплаб тўсиқлар пайдо бўлишига, бошқарувнинг ҳамда моддий ресурслар ва молия маблағларини тақсимлашнинг марказлашган тизими сақланиб қолишига олиб келмоқда.

Натижада «Узмашсаноат» уюшмаси, «Узавтойул» давлат концерни, «Узмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси, «Узбалиқ» давлат корпорацияси, «Уздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Узқурилишматериаллари» давлат концерни, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги таркибига кирувчи, шунингдек, Наманган, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги давлат корхоналарини акциялаштириш жараёни асоссиз равишда чўзиб юборилмоқда.

Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш, бу жараёнга республика аҳолисини кенг жалб қилиш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш мақсадида:

1. Вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасида амалда бўлган қонунчилик ва норматив ҳужжатларга сўзсиз риоя қилиш бўйича ишлари қониқарсизлиги қайд этилсин.

2. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда давлат корхоналарини очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантиришнинг тартиб-қоидаларини мумкин қадар соддалаштириш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш муддатларини қисқартиришни, ташкил қилинган акционерлик жамиятларининг акциялари ва сертификатларини уз вақтида рўйхатдан ўтказиш ва чиқариш учун ҳудудий, тармоқ ва ишлаб чиқариш бўлинмалари раҳбарларининг жавобгарлигини назарда тутувчи ягона тартиби тасдиқлансин. Бунда қуйидагилардан келиб чиқилсин:

Узбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси давлат корхоналарини акционерлик жамиятларига айлантириш жараёнига ташкилий раҳбарликни ва уни мувофиқлаштиришни амалга оширади;

Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси давлат корхонаси негизида ташкил этиладиган акционерлик жамиятининг таъсисчиси ҳисобланади;

Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари томонидан корхонани хусусийлаштириш режасининг тасдиқланиши корхонани очиқ турдаги акционерлик жамиятига айлантириш тўғрисидаги қарор бўлиб, Молия вазирлиги билан биргаликда эмиссия проспектининг тасдиқланиши эса акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор бўлиб ҳисобланади;

Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари очиқ турдаги акционерлик жамиятининг таъсисчилари сифатида, тегишли уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва корхоналар билан биргаликда акционерлик жамиятини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайдилар, акциялар чиқаришни рўйхатдан ўтказишни амалга оширадилар, шунингдек, акциялар тўртта пакетининг белгиланган тартибда тарқатилишини таъминлайдилар;

Акционерлик жамиятини ҳокимликларда давлат рўйхатидан ўтказишни Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари амалга оширадилар;

Давлат корхонасини акционерлик жамиятига айлантириш жараёнида рўйхатдан ўтказиш йиғимлари ва бошқа тўловлар ундирилмайди.

3. Аҳолини давлат корхоналарини акциялаштиришга кенг жалб қилиш ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш мақсадида аҳолининг пул маблағларини бир жойга жамловчи ва акцияларнинг барқарор даромад беришини таъминловчи инвестиция фондлари тармоқларини ташкил этиш зарур деб ҳисоблансин.

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари инвестиция фондларига зарур биноларни муайян мақсадда ажратиш, аудиторлик фирмалари тармоғини ривожлантириши рағбатлантириш, инвестиция фондларини ахборот билан таъминлаш ва улар учун мутахассислар тайёрлаш йўли билан инвестиция фондлари ташкил этилиши ва уларнинг фаолият курсатишига ҳар томонлама кумаклашсинлар.

4. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Бир ҳафта муддатда 1995 йил учун иқтисодиёт тармоқлари бўйича қайта ўзгартирилаётган давлат корхоналарининг акцияларини чиқариш жадвалини;

Икки ҳафта муддатда қонун бузилишлари ва суиистеъмолчиликларни истисно қилиш механизмини назарда тутган ҳолда инвестиция фондлари тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

5. Иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари давлат корхоналарини акционерлик жамиятларига айлантириш жараёни тартиби ва муддатларига сўзсиз риоя қилиниши учун шахсий жавобгарлик Вазирлар Маҳкамаси мажмуилари, Узбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги раҳбарлари зиммасига юклансин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

юридик шахсларнинг акциялар муомаласидан олинган даромадларидан 15 фоизли ставка бўйича солиқ олинади;

қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширувчи «Тошкент» республика фонд биржасининг, миллий депозитарий ва инвестиция фондларининг уз инфраструктурасини ривожлантиришга ва рекламага йўналтириладиган фойдасидан 1996 йил 1 январгача солиқ олинмайди.

7. Оммавий ахборот воситалари акционерлик жамиятлари ва қимматли қоғозлар бозори ривожлантирилиши билан боғлиқ масалаларни кенг ёритсинлар, қимматли қоғозлар билан муваффақиятли ишловчи корхоналар тажрибаси ёйилишига кумаклашсинлар.

8. Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Узбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва норматив ҳужжатларига тегишли узгартиришлар киритиш тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Узбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 12 июнь.

● Вилоятимизнинг бир куни

Бир кунда 8-10 гектар

ОҲАНГАРОН туманини вилоятимизнинг «Ғалла воҳаси» деб бежиз айтишмайди. Республикамиз ғалла мустақиллигини мустаҳкамлашдек хайрли ишга муносиб ҳисса қўшишни олий мақсад қилиб олган деҳқонлар ўрим-йиғим ишларини зўр уюшқоқлик билан бошлаб юбордилар.

Бу йил туман бўйича давлат омборларига қарийб 28 минг 500 тонна дон етказиб берилади. Бугун ғаллазорларда 56 та комбайндан 52 таси ишламоқда. «Шодималик» ширкат жамоа хўжалиги комбайнчилари Р. Қолдибеков ва ота-ўғил Романовларнинг ҳар бири кунда 8-10 гектар майдондаги ғаллани ўриб-йиғиб бермоқдалар. Улар билан бир қаторда ўрим-йиғимда ҳашарчи ўроқчилар ҳам фаол меҳнат қилмоқдалар.

М. ҚАЮМОВ.

ЯНГИ ЦЕХ

***ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ.** Тежамкорлик — бозор иқтисодиётининг энг асосий талабларидан биридир. Буни яхши билган шаҳардаги «Меҳнат» кичик корхонаси жамоаси турли чиқиндилардан маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.*

Хусусан, бу ерда илгари ташлаб юбориладиган пленкалар қийтимлари, ҳар хил «кераксиз» чиқиндилар қайта ишланиб, улардан қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланиладиган пленкалар, қувурлар, салқин ичимлик сувлари ташиш учун зарур бўлган яшиклар ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозир шаҳарда кичик корхонанинг қабул пункти ишлаб турипти.

У хўжалик ва корхоналардан турли чиқинди, хом ашёларни қабул қилиб олмоқда ва улардан тайёрланган маҳсулотни шартнома асосида хўжаликларга етказиб бераяпти.

Яқинда кичик корхона қошида тикув цехи очилди.

— Ушбу цехда, — дейди кичик корхона раҳбари Аваз Қосимов. Йигирма нафардан кўпроқ хотин-қиз иш билан таъминланди. Улар тикаётган эркаклар, аёллар кўйлаклари, бошқа турли маҳсулотлар сифатли ва харидоргир бўлмоқда.

«МУШТАРИЙ»НИНГ САҲОВАТИ

ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ. «Муштарий» кичик корхонасининг ҳайрли ишларини кўпчилик яхши билади. Тадбиркор Суннат Ибодов бош бўлган ушбу корхона жамоаси яқинда яна бир савобли иш қилди: 13-болалар боғчасида тарбиялануувчи отасиз усаётган 3 нафар ака-ука Эркабой, Серикбой ва Берикбой Олоновларнинг суннат тўйига бош-қош бўлишди. Шу куни боғча эрта тонгдан то кечга қадар тарбиячилар ва тарбияланувчилар, ота-оналар, яқин-атрофдаги қуни-қўшнилар билан гавжум бўлди. Тўйболаларга сарполар кийдирилиб, извощда сайр қилдилар. Меҳмонларга дастурхон тузиб, ош тортилди.

А. РИХСИБОЕВ.

ЯНА КИМ ОШДИ САВДОСИ

ОҲАНГАРОН. Шаҳарда навбатдаги ким ошди савдоси бўлиб ўтди. Республика қўчмас мулк биржаси билан шаҳар хусусийлаштириш бўлими ташкил этган қатор иншоотлар, ер майдонлари сотувга қўйилди.

Барча объектлар бошланган нархга нисбатан анча қиммат баҳоларда сотилди. Масалан, қўйилган ер майдонларининг янги эгалари харидор бўлиб тўлаган пул миқдори бошланғичидан икки минг сўмдан ортиқ бўлди. Савдо иншооти қуриш учун ўлчами 124 квадрат метрли ер майдони уч минг сўмга пулланди, бу дастлабки баҳосидан беш юз сўм кўпдир. Дукон қуриш учун яна бир 100 квадрат метрли ер майдони 3,5 минг ўрнига 4,5 минг сўмга кетди.

«Хонобод» ҳиссадорлик жамияти ҳам уз омборхоналаридан бирини ким ошди савдосига қўйган эди. У қиммат бўлишига қарамай харидор топилди. Бошланғич нархи 500 минг сўм қилиб белгиланган бу иншоот 30 минг ошиққа сотилди. Ким ошди савдосига қўйилган қатор бошқа иншоотлар ҳам янги соҳиблари қўлига ўтди.

О. НАВРЎЗОВ.

КУНИГА БЕШ ЮЗТАДАН

Бўкадаги Узбекистон-Туркия аккумулятор қўшма корхонасининг фаолият кўрсата бошлаганига икки йилдан ошди. Шу фурсат ичида корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли ортиб, сифат кўрсаткичлари анча яхшиланди.

— Ҳозирги вақтда бизда ҳамма нарса хом ашёдан тайёрланади, — дейди йигув цехи бошлиғи Илҳомжон Исмоилов, — аккумуляторларнинг идишидан тортиб қўргошин пластинкаларигача узимиз тайёрламоқдамиз. Шунинг учун ҳам кейинги пайтда ишлаб чиқарилаётган аккумулятор сифати давлат стандарти талабларига тўла жавоб бермоқда.

Ҳозирги кунда корхона юз нафардан ортиқ қишлоқ ишлари меҳнат билан таъминланди ва малакали ишчилар бўлиб етишишди. Баҳром Маждидов, Ўрақул Раҳмонов, Зиёд Асомов, Абдурахим Холиҳўжаев, Убайдулла Мирзабоев, Шарофиддин Бутаев, Дониёр Мавутовлар бугунги кунда уз касбларининг моҳир усталари ҳисобланадилар. Кейинги олти ой ичида улар бирорта ҳам нуқсонли аккумулятор ишлаб чиқаришмади. Кўп жиҳатдан уларнинг кучтайратлари билан корхонада кунига 500 ва ундан ошириб сифатли аккумулятор ишлаб чиқарилмоқда.

П. ЭРГАШЕВ.

«АВТОСАЛОН — 95» КЎРГАЗМАСИ

Тошкентдаги «Динамо» теннис спорт саройида биринчи ҳалқаро автомобил кўргазмаси бўлиб ўтди. Бутун дунёга таниш Франциянинг «Рено», Германиянинг «Фолкьсваген», Японияннинг «Тойота», Швециянинг «Сканния» каби машҳур компаниялари янги автомобиллар намуналари билан қатнашдилар. Кўргазмага келганлар уларни қизиқиш билан томоша қилдилар. Бу ерда автомобиллар билан бир қаторда машина анжомлари, енгилмойлаш материаллари, шиналар, эҳтиёт қисмлар ҳам урин олган.

Йирик компания ва автомобил фирмалари билан фаол амалий алоқалар урнатаётган Узбекистон учун кўргазма алоҳида аҳамиятга молик-дир.

М. ОБИДОВА.

МУЗҚАЙМОҚ САЙЛИ

Пойтахтнинг «Сайилгоҳ» кўчасида Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари учун музқаймоқ сайли ўтказилди. Тошкент «Музқаймоқ» ишлаб чиқариш комбинатининг янги маҳсулотлари икки кун давомида кўз-кўз қилинди.

Тошкент озиқ-овқат бирлашмаси ташаббуси билан ўтказилган бу сайлда шаҳарнинг ун туманидан йигирма савдо ҳамда умумий овқатланиш корхонаси қатнашди. Савдога қарийб ўн беш хил музқаймоқ қўйилди. «Музқаймоқ» ишлаб чиқариш корхонасининг ўзигина ўн тонна маҳсулот етказиб берди, хорижий мамлакатлардан келтирилган маҳсулот ҳам сотилди. Тошкент шаҳар маданият уйларининг бадиий ҳаваскорлари сайл қатнашчиларини ўз санъати билан ҳушнуд этди.

(ЎзА).

УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан, Украина Президенти Леонид Кучма шу йил 20-21 июнь кунлари расмий ташриф билан Узбекистонда бўлади.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

НАҚД СЎМЛАРНИ ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ВАЛЮТАГА АЛМАШТИРИШГА ДОИР ЧЕКЛАШЛАРНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон Республикаси миллий валютасининг эркин алмашиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида, шунингдек, эркин алмаштириладиган валютадаги ресурслар тушуми кўпайганлигини эътиборга олиб, Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 21 июлдаги 379-сон қарорига қисман узгартириш киритилган ҳолда Узбекистон Республикаси фуқароларига ва уларга тенгалштирилган резидентларга нақд сўмларни алмаштириш пунктлари орқали эркин алмаштириладиган валютага алмаштиришнинг чегараланган суммасига доир мавжуд чеклашлар 1995 йил 1 июлдан бошлаб бекор қилинсин.

2. 1995 йил 1 июлдан бошлаб Узбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти (яшаш гувоҳномаси)га алмаштирилган сумма курсатилган штамп қўйишни бекор қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

3. Молия вазирлиги ва Узбекистон Республикаси Марказий банки бир ҳафта муддатда:

Узбекистон Республикаси валюта биржаси орқали вакил қилинган банкларнинг алмаштириш пунктларига йўналтириладиган валюта ресурслари ҳажмини қўпайтириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

норматив ҳужжатларга тегишли узгартишлар киритсин.

4. Узбекистон Республикаси Марказий банки, вакил қилинган банклар валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш қоидаларига риоя қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатилишини таъминласинлар.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 сентябрдаги 457-сон қарорининг 1-банди уз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 12 июнь.

Республика Вазирлар Маҳкамасида

БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК — ВИЖДОН ИШИ

12 июнь куни Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий ривожланиш, фан, маданият ва техника мажмуалари, шунингдек, туризмни ривожлантириш бўйича идораларо кенгашининг қўшма йиғилиши бўлди. Унда вазирликлар, давлат қўмиталари, тегишли идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари қатнашди.

Йиғилишни Узбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Журабеков бошқарди.

Йиғилишда болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумини муваффақиятли ўтказиш, санитария-эпидемиология хизматини янада яхшилаш, шунингдек, сайёҳликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Тегишли вазирликлар ва ташкилотлар раҳбарларининг, айрим вилоятлар ҳокимлари ўринбосарларининг шу ҳақдаги ахборотлари тингланди.

Йиғилишда мазкур соҳаларда муайян ишлар бажарилганини қайд этган ҳолда, бу борада жиддий нуқсонларга йўл қўйилгани таъкидланди. Жумладан, ўтган мавсумда озиқ-овқат таъминоти етарли бўлмагани сабабли мавсум охирида кўпгина ўқувчилар оромгоҳлари ҳувиллаб қолди. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида мавсум бошида 20 та болалар соғломлаштириш лагери фаолият кўрсатган бўлса, учинчи сменада улардан атиги саккизтаси ишлади. Бундай ачинарли ҳол Сурхондарё, Жиззах ва бошқа вилоятларда ҳам рўй берди. Натижада республика бўйича оромгоҳларда дам олиши режалаштирилган жами боланинг 72 фоизигина имкониятдан фойдаланди.

Бу йилги мавсумда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудидаги соғломлаштириш, меҳнат-роҳат, спорт лагерларида, шунингдек, мактаблар қошидаги оромгоҳларда мавсум давомида 400 мингдан ортиқ ўқувчи дам олиши кўзда тутилган. Барча масканлар шу йил 5 июнга қадар тўла таъмирланиб, зарур моддий-техника жиҳозлари, дори-дармон, дезинфекциялочи моддалар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланган бўлиши лозим эди. Аммо текширишлар кўзланган мақсадга эришилмаганини, кўпгина вилоятларда маблағ етишмаслиги баҳонасида таъмирлаш ишлари ўлда-жўлда қолиб кеттани, шу боис лагерлар биринчи сменага болаларни тўла қабул қилолмаётгани, аксарият оромгоҳларда маданий ва спорт инвентарлари, бошқа зарур ашёлар етишмаслигини кўрсатди.

Ачинарли жиҳати шундаки, ёзги соғломлаштириш лагерларининг сони ўтган йилга нисбатан камайиб кетган. Ўнлаб болалар оромгоҳлари ёпиб қўйилган. Йиғилишда жойларда комиссиялар тузиб, лагерларни мавсумга тайёрлашни қисқа муддатларда тугаллаш, вилоятларда мавжуд барча ёзги болалар оромгоҳларининг тўла ишга тушишига эришиш, шунингдек, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларини бепул йўлланмалар билан таъминлаш лозимлиги курсатиб утилди. Зеро, болаларга ғамхўрлик қилмоқ бу — виждон иши, ватан келажаги учун қайғурмоқдир.

Мактабларни янги ўқув йилига ва қишга тайёрлаш масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Ҳануз бугунги талабларга жавоб беролмайдиган мактаб бинолари мавжудлиги фактлар асосида танқид қилинди. Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари, хўжалик ва ташкилотлар раҳбарлари мактабларни таъмирлаш, янги бинолар қуриш ишига жиддий эътибор қаратишлари лозимлиги қайд этилди.

Анжуманда республикамиз санитария-эпидемиология хизмати фаолияти юзасидан ҳам бир қанча танқидий фикрлар билдирилди. Жумладан, кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш бўйича катта ишлар амалга оширилган бўлсада, ҳануз айрим сув манбаларимизда тозалаш ишлари яхши йўлга қўйилмаяпти. Ичимлик сув билан таъминланмаган қишлоқларнинг аҳолисига сувни ташиб келтириш қониқарсиз ташкил этилган. Кўпгина аҳоли пунктларининг санитария талабларига жавоб бермаслиги, чиқинди ва оқаваларни очиқ сув ҳавзаларига ташлаш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Шаҳар ва қишлоқларнинг озода бўлишига эришиш, озиқ-овқат маҳсулотларини кучала сотишда тартиб ўрнатишда, уларнинг сифатини назорат қилишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Кўплаб сотувчилар санитария-гигиена қоида ва меъёрларига етарли амал қилмаётир. Кўча ва майдонларда касаллик тарқатиш манбаи бўлмиш ахлат уюмлари тўпланиб қолиши ҳоллари учрамоқда. Бу эса турли юқумли асалликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Йиғилишда мамлакатимизга ута юқумли касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш учун зарур чора-тадбирлар кўриш бунинг учун телевидение ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишлари олиб бориш кераклиги уқтирилди.

Йиғилишда, шунингдек, Президентимизнинг «Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Узбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарори бажарилиши юзасидан ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов қатнашди.

(ЎзА).

Луқма

БИРИ ҚУВОНТИРАДИ, БИРИ ЭСА...

КЕЛЕС газлаштириш корхонаси жунга дастлабки ишлов бериш фабрикаси туманимиздаги етакчи корхоналардан ҳисобланади. Уларда ишлаб чиқариш ҳозирги иқтисодий қийин шароитларда ҳам нисбатан барқарор бормоқда. Режалар уддаланяпти. Бунинг натижасида даромад ва фойда олиш кўпаймоқда.

Айни вақтда бу корхоналарда табиатни муҳофаза қилиш масалаларига ҳам қатта эътибор берилмоқда. Уларнинг бу соҳадаги ишлари эътиборга сазовордир. Унинг раҳбарияти табиатни муҳофаза қилиш ходимлари курсатмаларини вақтида амалга оширадилар, ҳеч пайсалга солишмайди.

Лекин, бизда шундай корхоналар ҳам борки, уларда табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни мусаффо сақлаш ишлари тамомила унутилиб юборилганга ўхшайди. Қачон текшириш ўтказилмасин доим камчиликлар аниқланади. «Стеновик» ширкати «Қизилтепатеология»нинг автотранспорт корхонаси шулар жумласидандир. Уларнинг ҳоҳолисига қачон кирманг, уюлиб ётган чиқиндилар, ерга тўкилган ёнилги-мойлаш материалларини кўриб ранжийсиз.

Бу корхоналарнинг раҳбарлари экология масалаларига шунчалик бефарқ муносабатда бўладиларки, ҳатто табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси курсатмалари ва тавсияларини ҳам амалга оширишни ўзларига эп курмайдилар. Бунда аввало шу жамоаларнинг ўзлари катта зарар кўришларини тушунмайдилар. Ҳеч шубҳасиз тўпланиб ётган чиқиндилар, супурилмаган ҳудудлар атроф муҳитга салбий таъсир курсатади. Демак ишчи-хизматчилар саломатлигига ҳам тўғри келмайди.

Аслини олганда бундай нуқсонларни бартараф этиш учун айтарлик маблағ ҳам, ишчи кучи ҳам талаб этилмайди. Фақат ҳафсала керак. Корхоналар раҳбарларига эса шу ҳафсала етишмаяпти. Ваҳоланки, ҳар йили табиатни муҳофаза қилиш ишларини амалга ошириш учун маблағлар ажратилмоқда. Улардан фойдаланилмаётганлиги кишини таажжубга солади. Бунинг учун турли-туман, бу-лар бўлмас баҳоналарни рукач қилишади. Бундай ўринсиз баҳоналардан қачон ҳоли бўладилар?

А. ИНОҒОМОВ,
Тошкент тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг нозири.

«Ҳосил–95» **Галла мустақиллиги учун** «Ҳосил–95»

ДОН ҚАДРИ

ОФТОБ олов сели пуркаяпти. Бутун борлиқ унинг қайноқ нафасида эриб бораётгандай бетиним жимирлайди. Боятина шабаданинг кучсизгина эпкинида мавжланиб ётган беполён галлазорлар ҳам энди уйқуга кетгандай. Сукунат бағрини узоқ-узоқларда ишлаётган комбайннинг оғир-босиқ гувиллаши-ю, ҳув тиккада қуёш нурига осилиб, арғамчи учаётган турғайнинг бетиним қушиғигина бузади холос. Дала четидаги ёлғиз қайрагоч остида қўйилган сўрида тушлик қилаётган кишиларни ҳам иссиқ элитгандай, кўпам гаплашмай, қайноқ-қайноқ чой хўплашади.

— Олимбой ҳам чиқа қолса бўлармиди, — бригада бошлиғи Шариф Мансуров қўлини пешонасига соябон қилиб даланинг нариги четида турган комбайнга тикиларкан Эргашга деди. — Бункерни ҳам тўлдирганга ўхшайди, комбайнини тўхтатиб қўйибди. Ҳа, ҳартугур машина ҳам келиб қолди. Баракалла, вақтида улгурди.

Бригада бошлиғи комбайн новидан ёнбошдаги юк машинасига шалоладай буғдой қуйила бошлаганини кўргач, офтобда қорайган юз-кўзларига табассум югурди. Орадан кўп ўтмай шийпон ёнида тўхтаган юк машинасидан икки киши тушиб келди.

— Келинглар, келинглар, — Шарифжон ўрнидан туриб уларни ўзгача меҳр билан кутиб оларкан деди. У шофер билан комбайнчининг олдига нон ушатиб, ҳозиргина сузилган косадаги шўрвани қўйидда, биттадан пиёлага чой қуйиб узатди. — Қани, марҳамат, олиб ўтиринглар.

Буни кузатиб турган уроқчилардан Рустам Дадабоев ҳазиллашди:

— Отингни сот, молингни сот, комбайнчи бўлгин эканда-а, Шарифжон? Ҳеч кимга кўрсатмаган иззат-икромни шуларга кўрсатяпсиз?

— Худди шундай, акаси, худди шундай, — бригада бошлиғи ёйилиб кулди. — Энди бундан кейин боримизга барака киритадиган ҳам мана шулар — Олимжон билан Эргашжонлар. Уларга ишониб ўн кунда галлани саранжомлаб оламиз, деб турибмиз, ука. Ана ундан кейин шуларнинг ўзи галладан бўшаган 40 гектарга макка билан картошкани экиб ҳам беришади.

Шийпон ёнига хўжалик раиси Мирсаид Абдукаримовнинг машинаси келиб тўхтади.

— Ҳормангларов, — раис ҳамма билан қўл олишиб кўришиб чиққач юзига фотиҳа тортаркан, бригада бошлиғига ўгирилди — Далангни кўрдим, чакки эмас. Аммо ҳали бу кам. Суръатни оширмасанг бўлмайди. Асрорнинг бригадасида битта комбайну бироқ, буғдойи ўрилган ерлари сизларникидан кўп. Икки гектарни қўлда ўрдириб, 42 центнердан ҳосил олябсан. Комбайнчиси Акбар Султонов ҳам ҳар гектардан 40 центнердан буғдой топширяпти.

— Қўшниларни жа аллада азиз, турвада майиз қилаверманг, раис бува, бизларникиҳам ёмон бўлмаяпти.—Мирсаид Абдукаримовнинг қўшни бригада комбайнчисини алқаётгани иззат-нафсига тегдими, Олимжон Каримов ўтирган жойида раисга гап қотди. — Бизларники ҳам нари-бериси билан қирқ центнерданга тўғри келяпти.

Раис шарақлаб кулиб юборди.

— Нима қилганда ҳам Акбаржон билан мусобақадошсанда, сира орқада қолгинг йўқ.

— Раис бува, бизлар ҳам қирқ гектарнинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон уямиз, деб ваъда бериб қўйибмиз, — бригада бошлиғи яна гапни илиб кетди. — Олимжон ҳам бугун саккиз гектарни ураман деяпти. Эргашбойнинг комбайнини уроқчилар урган галлани янчишга қўйганмиз. Ўн беш уроқчи ишга тушган. Мана, кўрарсиз, бугуннинг ўзида хўжаликда биринчи ўрин албатта бизники бўлади.

Мирсаид Абдукаримов тик турганича пиёладаги чойни хўпларкан, куни-кеча ўзи келиб тушунтирган гапларни яна одамларнинг эсига солди:

— Биринчи ўринни эгаллаган комбайнчига мусобақа соврини сифатида 2 тонна, иккинчи ўринни олганга 1,5 тонна, учинчи ўриндаги комбайнчига эса бир тонна текин буғдой, яна ўрнига қараб минг сўмдан уч минг сўмгача пул ҳам берилади-я, шуни унутманглар.

— Бригадамизнинг ҳам ўзига яраша шартлари бор, — Шариф Мансуров ҳам раисдан кейинда қолишни истамай гап қистирди.

— Уроқчиларга урган ҳар 10 сотих ердаги галласи учун 50 килограммдан буғдой берамиз. Бу йил ҳамманинг кандаги донга туладиган бўлди.

Раис хайрлашиб, йўлга тушмоқчи бўлганида даврада ўтиргандардан бири гап қотди.

— Раис бува,* Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими унвонини олганингизга ҳам бир ойдан ошди. Бундоқ йўталай ҳам демайсиз-а.

— Зиёфатнинг каттаси мендан. Аммо олдин галлани саранжомлаб олайлик. Ахир 264 гектардан 1056 тонна дон берамиз, гектаридан 40 центнердан хирмон кутарамиз, деб чираниб қўйибмиз. Ҳамма жойда ўриш-янчиш бошланди. Нари борса ун кундан кейин ишни якунласак «ёпасига бизникига меҳмонга» деб хабарчиларни юбораман. Келишдикми?

Шундай деб раис бошқа бригадаларга, комбайнчи ва уроқчилар эса галлазорга йўл олдилар,

***

...ТУМАН ҳокими Эшмуҳаммад Бердиевнинг иш хонасида одатдагича бир кунлик иш якуни сарҳисоб қилиниб, эртанги кун юмушлари белгилаб олиниб, хўжалик раҳбарлари тарқалгач, ҳоким ўз муовинлари Абдурашид Носиров билан Файзулла Тожиқуловларга тайинлади:

— Энди 47 та комбайнни кундузигина эмас, тунда ҳам ишлатишни қаттиқ назорат қилиб бориш керак. Эрталан бошлаб мен Охунбобоевга бораман, сизлар эса «Гулзоробод» билан «Эшонобод» жамоа хўжаликларига чиқасизлар. Илтимос, бир кун халлаганса анча-мунча донни йўқотиб қўйиш мумкинлигини ҳар бир уроқчи, ҳар бир комбайнчига эринмай тушунтиринглар. Эртага ишчи гуруҳи йиғилишида учрашамиз...

Ҳар иккала муовин хушлашиб чиқиб кетгач, Эшмуҳаммад Бердиев дераза ёнига келиб, кўкда юлдузлар гўжғон уйнаётган тун бағрига тикилди. Хаёлан ҳозиргина кенгашда бўлиб ўтган мунозараларга қайтди. «Гулзоробод» хўжалигининг раиси Мирсаид Абдукаримовнинг айтган бир оғиз гапини яна қайта тарозига солиб кўрди.

— Учта комбайндан иккитасини ўримга, биттасини дон янчишга қўйдик. Комбайнлар кучидан имкон қадар фойдаланяпмиз. Эртадан уларни икки сменада ишлатмоқчимиз. Комбайнчи ва шоферлар тайинланган. Аммо булар ҳам кам. Уроқчилар сонини пилладан бўшаган кишилар ҳисобига бир ярим баравар кўпайтирмасак бўлмайди. Негаки, қўлда ўришнинг хосияти бошқа, дон тўкилмай гектарига икки центнер кўпроқ тош босяпти. Хуллас, нари-бериси ўн кунда ҳосилни саранжомлаб олиш учун ҳамма имкониятларимиз бор.

Ҳоким Мирсаид аканинг гапларини тингларкан, унинг қаршисида ўтирган Охунбобоев номли жамоа хўжалиги раиси Усмонали Умаровга кўз ташлади. У ҳам тумандаги обрўли, номи чиққан раислардан. Ҳамиша ўз йўриғи билан иш тутади. Туман бўйича галлани ўриб-янчиб олиш ва ўрнига кечки экинларни экиш юзасидан тадбирлар белгиланаётган пайтда ҳам У. Умаров биринчи бўлиб ўз тадбирини етказиб берди. Ҳоким уни синчиклаб ўқиб чиқди. Сирасини айтганда бор имкониятларни ҳисобга олиб, пишиқ-пухта ўйланиб, тузилгани кўриниб турипти. Бунинг устига хўжалик бошқарувида ҳам муҳокама қилиб тасдиқлаб олишибди. Галлани 20 иш кунида саранжомлаб олишдан техникага хизмат кўрсатадиган кишиларгача, комбайнчиларнинг иш меёридан уроқчиларнинг сонигача, далани ўримга тайёрлашдан бўшаган ерларга экиладиган экинларнинг турларигача кун ва соатларини ҳам ҳисобга олиб ёзишибди. Комбайнчи ва уроқчиларга бериладиган ҳақу, пул ва дон мукофотлари ҳам аниқ рақамларда акс этганди.

Ҳоким бугун шу хўжаликда бўлганида беихтиёр иш маромини тадбирлар билан чоғиштириб кўрди ва режалар аниқ ишлаётганига ишонч ҳосил қилди. Ҳар бир бригадада 20 гектардан 50 гектаргача майдонда галла ёпасига ўриляпти, 544 гектарнинг 456 гектари комбайнларга, 88 гектари уроқчиларга ажратилган. Уроқчилар оила аъзолари билан ўз чекларига тушган 0,5-1 гектар ернинг галласини ўришяпти, 4 та комбайн ҳам бетўхтов ишламоқда. Механизаторлар ҳам, уроқчилар ҳам текинга бериладиган дону, иш ҳақи ва мукофотларнинг миқдорига ҳабардор. Пешинда бригадаларнинг дала шийпонларида хўжалик ҳисобидан тушлик ташкил этилмоқда. Хуллас, 15 кунлик ўрим бутун хўжалик аъзоларининг омборини галлага тўлдириш каттадан кичиккача аён.

— Эртадан дондан бўшаган ерларга ҳайдов тракторларини пешма-пеш туширмоқчимиз. Чизеллаб дарҳол қайта экишга киришмасак бўлмас. Буёғи эса пудратчиларнинг зиммасида, — Усмонали Умаров ҳокимга деди.

— Уруғлик тайёрми?

— Ҳа. Қаерга қандай экин экилишига қараб техникани ҳам, уруғликларни ҳам далага чиқариб қўяяпмиз.

Ҳоким бу хўжалик ишини хаёлан «Эшонобод» хўжалигидагига чоғиштирди: улар ҳам 350 гектар ердан 1120 тонна галла олиб 560 тоннасини давлатга сотишмоқчи. Есжон Ерхўжаев ҳам пишиқ-пухта раис эмасми, ўрим билан боғлиқ барча юмушларни ипидан игнасигача ҳисобга олиб, мутасадди мутахассислару, бажариладиган вақтигача аниқ белгилаб олган. Эшонободликлар галлани узоғи билан 10 иш кунида саранжомлаб олиш учун ҳамма имкониятларни ишга солиб юборишди. 4 та комбайн тўхтовсиз ишлаяпти. Комбайнлар айланадиган ерлардаги, шунингдек тунов кунги шамолда ётиб қолган донни уроқчиларга урдиришмоқда. Бир жиҳатдан ҳокимнинг ҳар учала хўжаликдан ҳам кўнгли тўқ. Заб билан ўримга киришдиларми, суръатни оширгандан ошириб, маррага биринчи бўлиб етиб ҳам боришади. Агар ишмароми шундай давом этса, туман бўйича 8300 гектардаги галлани 20 кун ичида ўриб-янчиб олиш ва омборларга тўкиб қўйиш мумкин. Демак, эртага кечда буладиган ишчи гуруҳи кенгашида суръатни янада ошириш, далада ишлаётганларга зарур иш ва дам олиш шароитларини яратиб бериш ҳақида тўхталиш лозим. Мусобақа ғолибларини рағбатлантириш учун ҳокимлик бюджетидан 30 минг сўм пул ажратилган. Энг кўп галла топширган хўжаликлар ўртасидаги мусобақа шартлари асосида ҳар беш кунда якун чиқарилиб, 2 минг сўмдан 5 минг сўмгача мукофот берилади. Қани, биринчи мукофот қайси хўжаликка насиб қиларкин? Эртага шунинг сарҳисобини қиладиган беш кишилик комиссия фикрини ҳам кенгашда эшитмоқ зарур.

Эшмуҳаммад Бердиев ташқарига чиқди. Атрофга сукунат чўкканди. Узоқ-узоқларда, галлазорларда ишлаётган комбайнларнинг, бетиним галла ташиётган автомашиналарнинг уткир ёлқинигина тун бағрини ёриб, иш ҳали ҳам давом этаётганини маълум қиларди. Ҳа, ўрим давом этяпти. У нари борса яна 20 кеча-кундуз тинмайди. Аммо мана шу қисқа вақт ерга дон сочиб, мул ҳосил етиштирган деҳқоннингина эмас, бутун эл-юртни ризқ-рўз билан таъминлайди.

Р. ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.
Чиноз тумани.

БИТТАДАН ҚЎЙ ОЛИШАДИ

Уфқ билан туташган олтин ранг далалар файзи бугун ўзгача. Қотмадан келган комбайнчи йигит рулни эпчиллик билан бошқармоқда. У гоҳигоҳида «олтин бошоқ»лар мавжига ҳавас билан тикилиб, ҳосил чўғини чамалайди. Мамнунлигини яширолмай жилмайиб қўяди. Комбайнга шовуллаб тушаётган сара дон «ёмғири» дилда ажиб бир ҳиссиёт уйғотади. Ахир бу нон, халқнинг ризқ-насибаси.

Комбайнлар бири-бирига эргашиб олга интилмоқда. Улар ортидан пресловчи агрегат одимлаётир. У буғдой сомонини бир вақтнинг ўзида ҳам пресслаб, ҳам тележкага юкламоқда. Дон ташувчи транспорт воситалари ҳам ҳозиру нозир. Ҳосил пешма-пеш қуритиш учун ажратилган ҳирмонга тўкиб келинаётир. Хуллас, ўрим-йиғим ишлари конвейер усулида ташкил этилган.

Хўжалик бошқаруви раиси Ғафуржон Қўчқоров ҳам шу ерда экан.

— Ўрим-йиғимни ҳам бошлаб юбордик,-деди у галлазорга ҳавас билан боқиб. — Жами 850 гектар ернинг 755 гектарига «Интенсив», 95 гектарига «Санзор-8» навли буғдой экилган. Кўриб турганингиздай ҳосил ёмон эмас. Асосий эътиборни галлани нес-нобуд қилмай қисқа муддатда ўриб-янчиб олишга қаратганмиз. Ҳосилдорликни 40 центнерга етказмоқчимиз. Давлатга буюртмага асосан 1440 тонна дон топширишимиз керак. Унга қўшимча яна 500 тонна буғдой топширишга аҳд қилдик.

Ялпи ҳосилимиз 2881 тоннага боради.

Янгийул туманидаги «Ниёзбош» жамоа хўжалиги галлакорларининг бу йилги ниятлари ана шундай. Раис муовини Тошпўлат ака Хидиров билан буғдойзорларни айландик. Ҳосил баракаси кўнгилдагидай.

Хўжаликда мавжуд 6 та комбайн сифатли созланиб, барвақт далага чиқарилди. Комбайнчилар, уларнинг ёрдамчилари ишга шай ҳолда киришдилар. Галла ўрими икки сменада ташкил этилди. Бу ўрим-йиғимни қисқа муддатда ўтказиш ва нобудгарчиликка йўл қўймаслик имконини беради.

Ишчиларга етарли шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Улар учун махсус жой, ётоқлар тайёрланган. Дала бошида тунаб қолишади. Уч маҳал бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Комбайнчилар ва уларнинг ёрдамчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш чоратадбирлари ишлаб чиқилди. Мавсумда тулиқ ишлаган ҳар бир комбайнчига 2 тоннадан буғдой берилади. Ўрилган ҳар гектар галла учун 20 сўмдан иш ҳақи тўланади. Бундан ташқари мавсум якунланғач, ҳар бир комбайнчи хўжалик ҳисобидан бир бузоқ билан тақдирланади.

Барча техника воситаларининг бир маромда тўхтовсиз ишлашини таъмин этиш учун жойнинг ўзида техник ёрдам кўрсатувчи кўчма устахона ташкил этилди. Тажрибали механик Жаъфар Нишонолиев бу ишга масъул.

Май ойидаги қаттиқ шамол ва ёмғир 200 гектар майдондаги буғдой поя-ларини ерга ётқизиб кетди. Комбайн қамраб ололмайдиган ана шундай ерлар галласи қўлда ўрилмоқда. Бу ишга 300 киши сафарбар қилинган.

Ҳар бир комбайн билан кунда 4-5 гектар майдондаги буғдой ўрилаётир. Хўжаликда узоқ йиллар меҳнат қилиб келаётган тажрибали комбайнчилар бор. Шулардан бири Акром Шаҳромовдир. У ёшларга ўз тажрибасини ўргатиб, устозлик қилмоқда. Айни кунларда Рихситилла Норматов, Ғофир Нишонбоев, Бахтиёр Рихсибоев, Ғофир Ортиғалиев сингари комбайнчилар меҳнат беллашувида пешқадамлар сафида бормоқдалар.

Хирмонда дастлабки дон қуритила бошланди. Галла шу ердан машиналарга юкланиб элеваторларга жўнатилади.

Ҳосилдан бўшаган майдонлар пешма-пеш шудгорланиб, у ерга тезпишар такрорий экинлар экилмоқда. Ерлар шартнома асосида хўжалик аъзоларига тақсимлаб берилган.

Хўжаликда ўрим-йиғим қизғин паллага кирди. Галлакордар барча майдонлардаги буғдойни тезроқ ўриб-янчиб олиш ва республикамиз галла мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб улуш қўшиш учун ғайрат, шижоат кўрсатаётирлар.

Қ. ЖУМАҚУЛОВ.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) бригада бошлиғи О. Тойманов (ўнгда), раис муовинлари Ш. Долимов ва Т. Ҳидировлар пудратчи Бахтиёр Нишонбоев (чапдан иккинчи) галла даласи-да: ёрдамчилар ҳашарда (пастда).

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

ЭЛ САЛОМАТЛИГИНИ ЎЙЛАБ

МАХСУС мухбиримиз Даврон АҲМАД Янгийўл шаҳар «Фармация» ишлаб чиқариш корхонаси директори 1-тоифадаги доришунос Ҳасан УБАЙДУЛЛАХЎЖАЕВ билан дорихоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳақида суҳбатлашди.

— Хасан ака, Янгийўл шаҳридаги дорихоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

— Республика аҳолисини дори-дармон билан таъминлашни яхшилаш, дорихоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва уларни ҳақиқий эгаларига топшириш тўғрисидаги 1994 йил 11 мартдаги қарор ходимларимизга кенг йўл очиб берди ва уларнинг зиммасига катта вазифалар юклади. Бунга кўра дорихоналар очиқ турдаги жамиятга, масъулияти чекланган жамоа мулки ва хусусий мулк шаклига ўтказилди. Бошқача айтганда бугунги кунда шаҳримиздаги 2-сон марказий шаҳар дорихонаси очиқ турдаги акцияли жамиятга, 3 та дорихона хусусий мулк, 2 та дорихона масъулияти чекланган жамоа мулки шаклига айлантирилди. Дорихоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш асосан 1994 йил сентябрь ойида якунланган эди.

— Хусусийлаштиришдан кейинги самаралар ва муаммолар нималардан иборат?

— Мулкчилик шаклининг ўзгариши ходимларнинг ишга бўлган муносабатини ҳам ўзгартирди. Иш вақтидан унумли фойдаланилмоқда, дам олиш кунлари ҳам дорихоналар ишлаб турипти.

Хусусийлаштириш бошлангунга қадар жамият давлатдан 22 минг 800 сўм қарз бўлса, 1994 йил якунига кўра қарздан қутулдик ва 38 минг сўм фойдага эришилди. 1995 йил 1 апрелга эса жамиятнинг соф фойдаси 62 минг сўмни ташкил қилди. Ҳозирги пайтда таъминотчилар билан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар асосида «Ўзхимфарм» заводидан, Гулистон шаҳридаги «Нафосат» қўшма корхонаси, «Саломатлик», «Ландиш» кичик корхоналари «Фармед» қўшма корхонаси ва бошқа фирмалар орқали дори-дармон келтирилмоқда. Дори-дармонлар тури ҳам кўпайди. Аҳолининг эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш мақсадида «Давойи» акцияли жамият қошида «Фитобар» ишга туширилди. Унда шифобахш доривор ўсимликлардан тайёрланган 7-10 турдаги шарбатлар истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар аҳолига сотиш учун чакана нархлари белгиланган 20 турдаги дори-дармонларнинг дорихоналарда узуксиз бўлишига эришилмоқда. Лекин, руйхатдаги горчичник, нитроглицирин, папаверин ампуласининг таъминотида ҳозирча узилишлар бўлмоқда. Чунки бу дори турлари фарм саноатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётгани йўқ. Қарорда кўрсатилган бепул ва имтиёзли равишда дори-дармон олувчи беморларга 1994 йилда 100 минг 550 сўмлик дори-дармон берилган бўлса, 1995 йил биринчи чорагида 96 минг 916 сўмлик дори-дармон хизмати кўрсатилди. Шу жумладан, уруш қатнашчилари ва ногиронларга 1994 йилда 39 минг 440 сўмлик дори-дармон берилган бўлса, 1995 йил биринчи чорагида 33 минг 517 сўмлик дори-дармон билан таъминландилар.

— Келгусидаги режалар ҳақида нималар дея оласиз?

— Бизнинг мақсадимиз шартномалар асосида дори-дармонларни ҳамдўстлик мамлакатлари ва хориждан янада кўпроқ келтириб, аҳоли эҳтиёжини тўла қондириш, уларга шифо бағишлашдир. Бу йўлда бор имкониятлардан фойдаланамиз.

СУРАТЛАРДА: дорихона ходимлари М. Султонова (юқорида) ва С. Саидқосимовалар иш пайтида.

Муаллиф суратлари.

Саломатлик — туман бойлик

ҲАМКОРЛИКНИНГ КУЧАЙИШИГА ЁРДАМ БЕРДИ

Бутун республикамизда бўлгани каби вилоятимиз шаҳар ва туманларида ҳам 1-10 июнда экология ва саломатлик кунлари бўлиб ўтди

ВИЛОЯТИМИЗДА халқаро атроф — муҳит муҳофазаси куни ва БМТнинг 50 йиллигига бағишланган экология ва саломатлик кунларининг мазмунли ва самарали ўтиши учун Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси «Экосан», «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг вилоят бўлимлари ҳамда уларнинг жойлардаги бўлинмалари махсус тадбирлар ишлаб чиқдилар.

Ўн кунлик давомида меҳнат жамоалари аъзолари, жамоатчи ташкилотларнинг вакиллари, талабалар иштирокида маданият саройлари ва уйларида, корхоналар ва ташкилотларда, маҳаллаларда экология, табиатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш мавзусида йиғилишлар, учрашувлар, суҳбатлар бўлиб ўтди.

Шанбаликлар ўтказилди. Экологлар «Соғлом авлод учун» жамғармаси ходимлари билан биргаликда шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларини жалб қилиб, манзарали гулчилик, парранда-лар, табиат акс эттирилган расмлар ва суратлар кўргазмаларини ташкил этдилар, болалар расмларининг кўрик-танловлари уюштирилди. Истироҳат ва дам олиш боғларида ҳаваскор дасталарнинг «Табиат ва биз» мавзусидаги чиқишлари бўлди. Кинотеатрларда фильмлар қўйилиши олдидан табиатни муҳофаза қилиш мавзусига бағишланган журналлар кўрсатилди.

Чирчиқ шаҳрида бу кунларга тайёрланиш ва уни ўтказиш даврида анча самарали ишлар амалга оширилди. Экологлар ҳокимлик, СЭС, тиббиёт бирлашмалари, шаҳар халқ таълими, кинолаштириш бўлимлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бордилар. Маҳаллалар ва мавзеларда ҳудудларни тозалаш ва тартибга келтириш бўйича шанбаликлар уюштирилди. Табиат муҳофазаси соҳасида жонбозлик кўрсатаётган ходимлар мукофотландилар.

Оҳангарон шаҳрида кунларни ўтказишга тайёргарлик вақтида барча қучалар, ҳудудларнинг санитария ҳолати текширилди. Ҳамма жойда саранжом-саришталикни таъминлашга алоҳида эътибор берилди.

Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари меҳнат жамоаларида бўлиб ўтган учрашувлар ва суҳбатларда ҳудуддаги экологик аҳволни чуқур таҳлил этиб, уни яхшилаш учун қандай чоралар кўрилаётганлиги ҳақида тўхталдилар.

Кенг жамоатчиликни атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда фаол қатнашишга даъват этдилар.

Шаҳардаги қатор корхоналарда табиатни муҳофаза қилиш ишларига эътибор сезилари даражада кучайди. Айниқса, Оҳангарон шифер корхонаси, дон маҳсулотлари, қурилиш пластмассаси комбинатлари, Оҳангарон бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш бирлашмасида атроф — муҳитнинг мусаффолигини таъминлаш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди.

Янгийул ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида экология ва саломатлик кунларини ўтказишга олдиндан пухта ҳозирлик кўрилганлиги яхши самара берди. Деярли барча саноат корхоналарида экологик аҳволни яхшилашга қаратилган тадбирлар амалга оширилди. Бу «Лаззат» қандолатчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янгийул мебель корхонаси, ёг-мой комбинатларида, бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда экологик аҳволнинг яхшиланишига олиб келди. Қўмита аъзолари шу кунларда ёш авлод вакиллари билан қизғин суҳбатлар ўтказдилар. Айрим мактабларда «Табиат ва болалар» мавзуида қизиқарли кўргазмалар ташкил этилди.

Вилоятдаги кўпчилик туманларда ҳам ҳудудларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш билан боғлиқ бўлган кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Бу соҳада, айниқса, Зангиота туманида амалга оширилган ишлар эътиборга лойиқ. Эшонгузар, Ўртаовул, Бўзсув, Узгариш, Қатортол, Чиғатой ва бошқа қишлоқлар, қўрғонлар аҳолиси кўчаларни тозалаш, ариқ-зовурларни тартибга келтириш, маҳаллалар ва ҳовлиларни тозалаш, тўпланган чиқиндиларни ўз вақтида ташиб кетилишида фаол қатнашдилар. Бўстонлиқ туманида эса ҳудудларни ободонлаштириш ва тозалаш бўйича барча ишларга экологлар бош-қош бўлдилар. Ҳозир бу ердаги соғломлаштириш масканларида ёзги дам олишга қизғин тайёргарлик бошланиб кетди. Ўртачирчиқ туманида ҳам экология ва соғломлаштириш кунлари табиатни мусаффо сақлаш бўйича кўрашнинг янги поғонага кўтарилишига олиб келди.

Экология ва саломатлик кунларида вилоят йўлларида «соф ҳаво» операцияси ўтказилди. Автотранспорт воситалари ва корхоналари қатъий текширувдан ўтказилди. Ҳавога зарарли чиқиндилар ва газларни чиқаришни камайтиришга қаратилган зарур чоралар кўрилди.

Экология ва саломатлик кунларида кенг жамоатчиликнинг фаол иштирок этганлиги қувончлидир. Шунинг учун қўмитамиз бундан буён бу соҳада ҳокимликлар, «Экосан», «Соғлом авлод учун» жамғармалари бўлинмалари, жамоат ташкилотлари, санитария-эпидемиология станциялари, халқ таълими бўлимлари, тиббиёт муассасалари, маҳаллалар билан йўлга қўйилган ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилади.

Ч. ПЕРЕПЕЛИЦИНА.
Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходими.

Иқтисодий ислоҳот одимлари

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БОЙ БЎЛИШ МУМКИН?

Бунинг учун, дейди Тошкент туманидаги М. Фозилов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Республикада хизмат кўрсатган агроном Сиддиқжон Муҳаммаджонов, ҳар бир деҳқон, боғбон, чорвадор қоғозда эмас, амалда ўзини мулкнинг ҳақиқий эгаси эканлигини ҳис этиши ва улардаги ҳис-туйғу доимо мустаҳкамланиб, тарбиялаб борилиши зарур. Ана шундагина улар ҳамиша ва ҳар қандай шароитда астойдил, меҳр ва ихлос билан меҳнат қиладилар. Бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан кўпроқ моддий бойлик яратадилар.

Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлидан бориб, ўз рўзғорини ўзи тебратаётганига, мана, салкам тўрт йил бўлмоқда. Шу давр мобайнида ҳукуматимиз раҳбариятининг саъи-ҳаракати билан ҳар бир соҳада жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Энг муҳими биз ўзлигимизни таний бошладик. Президентимизнинг қатор фармон ва қарорларининг ҳаётга тадбиқ этилаётганлиги туфайли иқтисодиётда, саноатда, қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотлар амалга оширилди. Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш ўз самарасини бермоқда. Тадбиркорлик, ишбилармонликка кенг йўл очиб қўйилди. Қишлоқда меҳнатни ташкил этишнинг ижара, пудрат сингари усуллари қарор топмоқда. Хоҳ деҳқон, хоҳ чорвадор бўлсин қишлоқда мулк ўз эгасини топаётганлиги айни муддао бўлди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси моддий бойликлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга олиб келмоқда.

Деҳқонларимиз ўзларининг амалий меҳнатлари билан мустақилликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқдалар. Лекин ҳали ҳам қишлоқда иқтисодий ислоҳотларнинг кенг авж олишига тўсқинлик қилаётган иллатлар йўқ эмас. Ана шулардан бири боқимандаликдир. Бизга собиқ Иттифоқ давридан мерос бўлиб қолган бу иллат одамнинг куч-қувватини фалажлаб қўяди, қобилиятини ўтмаслаштиради, ташаббусини, ғайратини сўндиради. Оқибатда бундай одам ҳиссиз, масъулиятсиз, лоқайд бўлиб қолади. Ахир турмушимиз ўлчови, мезони бозор талабларига мослаб олиб борилиши вазифа қилиб қўйилган ҳозирги шароитда боқимандаларга орамизда ўрин бўлмаслиги керак. Тани-жони соғ, етти мучали омон ҳар бир киши яратиб берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўз нонини ўзи топиб ҳалоллаб ейиши, умум ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшиши керак. Акс ҳолда ҳаёт ўз-ўзидан бундайларни четга суриб чиқаради. Суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

— Раис бува, мен хизмат юзасидан хўжалигингизда кўп бўлганман. Хўжаликда амалга оширилаётган хайрли ишлар, деҳқонларнинг ҳаёти, турмушидан озми-кўпми хабардорман. Улар ниҳоятда меҳнаткаш, ишбилармон одамлар. Ўз куч-ғайратлари билан ҳар бир экиндан юқори ҳосил олядилар. Шунга яраша мўмай даромад ҳам топмоқдалар. Ахир шундай бўлиши ҳам керакда. Президентимиз айтяпти-ку, деҳқон бой бўлса, хўжалик бой бўлади. Хўжалик бой бўлса — эл юрт бой бўлади. Шунинг учун ҳам боқимандаликка барҳам берайлик. Менинг билишимча сизларда боқимандаликка қарши кураш жуда эрта бошланган.

— Ҳақиқатан ҳам шундай. Хужалигимиз асосан сабзавотчилик-узумчиликка ихтисослашган. Хужалигимиз Тошкентга яқин булгани учун экин майдонлари анча камайиб қолди. Ҳозир бизда 312 гектар узумзор бор. Шунинг 146 гектари ҳосилли боғ ҳисобланади. 8 гектар иссиқхонада сабзавот етиштирилади. Очиқ дала ерлари 203 гектарни ташкил этади. Бу майдонларда асосан чорва учун озуқа етиштирилмоқда. Ана шундан хулоса чиқариб олиш мумкин. Бизда маҳсулотни кўпайтиришнинг ягона йўли — бу далачиликда ҳосилдорликни ошириш, чорвачиликда наслдорликни яхшилаш ҳисобланади. Биз шу ҳақда кўп ўйлаб маслаҳатлашганмиз, фикрлашганмиз.

Энг асосий омил одамларни ишга, меҳнатга қизиқтиришдан иборат эканлиги ҳаммага аён. Хўш, бунга қандай қилиб эришиш мумкин? Кенгашиб, маслаҳатлашиб биз бундан 15-20 йил илгариёқ меҳнатни ташкил этишнинг пудрат, ижара деб ном олган, амалда ўзини оқлаган, бироқ уша пайтларда гектарчи деб қораланган усулни танлаб олганмиз. Бу усулнинг моҳияти шундаки, одамларга уларнинг оиласидаги жон боши, қобилияти, имкониятига қараб ерлар қозиқ қоқиб бўлиб берилган. Бунда ҳар икки томон ўзаро келишади, шартномалашади. Сиз бизга шунча ҳосил етказиб берасиз, қолгани ўзингизники бўлади. Биз эса, қўлимиздан келган хизматни аямаймиз.

Уша пайтда бу усулни вилоятимизда узоқ йиллар биринчи раҳбар бўлиб ишлаган партия ходими жорий этган эди. Холисанилло айтганда, бу усул жорий этилгач, вилоят қишлоқ хужалиги, шу жумладан пахтачилик ҳам гуркираб ривожланди. Лекин айримларга бу ёқмади. Улар биринчи раҳбарни бадном қилишмоқчи бўлишди. «Ахир ўзи нима қиляпсиз, бу орқага, капитализмга қайтиш эмасми? Бунда одамлар хаддан ташқари бойиб кетиб, бошқаларни менсимай қўяди-ку!?»— дегувчилар ҳам бўлди.

Лекин раҳбар ўз сўзида қатъий туриб олди.

Биз ҳам сабзавотчиликда ва боғдорчиликда, яширинча бўлса ҳам, шу усулни қўллашга жазм қилган эдик. Аслида бундай олиб қарасак, уша пайтда мулкни, ерни ўз эгасига топшириб жуда тўғри иш қилган эканмиз. Мана энди ҳозир бу усулга амалда кенг йўл очиб қўйилди. Янги усул бизга йил сайин янги марраларни эгаллаш имконини берди. Дейлик, узумчиликда режани 12-15 тонна қилиб белгиланган эдик, одамлар узумга, боғга ўз мулкларидек муносабатда бўлиб меҳнат қилишди. Ҳар гектаридан 20 тонналан ҳосил ола бошлашди. Айрим тажрибакорлар эса ҳатто 25-30 тоннага етказиб узум етиштирдилар. Мен сизга айтсам, меҳнатни ташкил этишнинг ана шу усули туфайли ҳам ҳатто об-ҳаво узумчилик учун ноқулай келган йилларда ҳам гектаридан 12 тоннага етказиб ҳосил олинди. Зуҳра Шокирова, Назира Йўлдошева, Ориф Зуфаров, Раҳим Абдувоҳидов, Баҳром Абдумажидов сингари соҳибкорлар ҳар йили 20-25 тонна ҳосил олишмоқда.

Иссиқхонада ҳам ҳар 10 сотих ер сабзавоткорларга бўлиб берилган. Шунинг учун ҳам ҳар бир квадрат метр саҳнинг самарадорлиги кескин кўтарилиб кетди.

Афсуски, бизнинг тутган йўл уша пайтда вилоятдаги айрим раҳбарларга ёқмади. Хусусан, вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби, умумий бўлим мудири мени ўз хонасига чақириб олиб роса дўқ-пуписа қилди. Сиз жамоа мулкини совуряпсиз, талон-торож қиляпсиз. Қайси даврда яшаяпсиз? Одамларингиз жуда бойиб кетишибди-ку. Битта деҳқоннинг оладиган ойлиги академикнинг ойлигидан кўп. Йўқ бўлмайди, сизнинг ишингизни терговга, судга ошурамиз.

Мен ҳам бош келмадим. Осмон қўлларингизда бўлса ташлаб юборинглар. Лекин менинг ҳеч қандай еб-ичиб қўйган жойим йўқ. Деҳқонларнинг бойиганига келсак, улар ўз пешона терлари эвазига даромад қилмоқдалар. Шу ҳисобга данғиллама уй қуриб яшамоқдалар, сигир-бузоқ боқмоқдалар. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Бозорларни тукин-сочин қилишга деҳқонларимиз ҳисса қўшяптиларку. Нима учун уларни айблаш керак? Аксинча, раҳмат айтиш, руҳлантириш даркор эмасми? Нега ҳалол меҳнат қилишдан уларнинг ихлосини қайтариш керак? Бу инсофдан эмас, ахир.

Улар фикри бузуқ раҳбар эдилар. Хужаликка текширув гуруҳини юборишди. Бу гуруҳ бухгалтерия ҳужжатларини синчиклаб текшириб, ҳеч нарса топа олмади. Ҳаммаси қонуний, ҳаммаси асосли эди-да. Шундан кейин тинчиб қолишди. Қолаверса, вилоятимизнинг уша пайтдаги пок, халол раҳбарлари бизни қўллаб-қувватлашди. Биз яна ўзимиз танлаб олган йўлдан дадил бордик.

— Хўжаликда чорвачилик ҳам етакчи тармоқ ҳисобланади. Кўп хўжаликларда бу соҳадан зиён кўрилаётгани ҳолда бу ерда 5-6 йиллан буён тармоқдан соф даромад олинмоқда. Бунга қандай қилиб эришяпсизлар?

— Ҳеч қандай сир йўқ. Бунга энг аввало ферма ходимлари, мутахассислар, сут соғувчиларнинг меҳр-ихлос билан ишлаётганликлари туфайли эришмоқдамиз. Узингиз ҳам биласиз, бир вақтлар: юқоридан «бозордан сотиб олиб бўлса ҳам сигирлар бош сонини кўпайтириш режасини бажаринглар», деган топшириқлар бўлган. Қаранг-а, гўё сигирлар сони кўп бўлса, сут-гўшт ўз-ўзидан кўпайиб кетадигандек. Аслида ундай эмас-ку. Сигирнинг сути, маҳсулдорлиги, зотида, тилида. Шунинг учун ҳам мутахассисларимиз ўз фаолиятларида бу масалага жуда катта эътибор бермоқдалар. Уларнинг изланиши, тиним билмай меҳнат қилиши туфайли ўзимиздаги серсут зотли сигирлардан олинадиган ўрғочи бузоқларни асраб-авайлаб устириш ҳисобига зотни яхшилаб олдик.

Бизда 10-11 литрдан кам сут берадиган сигир ушлаб турилмайди. Эътибор беринг-а, бундан 10 йил илгари 1984 йилда фермамизда 290 бош сигир боқилган. Бу сигирлардан йил давомида 871 тонна сут соғиб олинган. Ўртача маҳсулдорлик 3 минг литрга тўғри келган ушанда. 1994 йилда эса, 230 бош сигир боқилди. 922 тонна сут соғилди. Ҳар бош сигирдан 4010 литрдан сут соғилди. Энди ҳисоблаб кўрайлик, ўн йилда ҳар бош сигирдан минг литрдан ошириб сут соғиб олинди. Бу бир йилда 300 тоннани ташкил этади. Ўн йилда 3 минг тоннани. Агар пулга чақадиган бўлсак, бир йилда 1 миллион сум, 10 йилда 12 миллион сумни ташкил этади.

Сут соғувчиларимиз, мутахассисларимиз, молбоқарларимиз ўз меҳнатларига етиштирилган маҳсулотга қараб ҳақ оладилар. Бунинг ҳисоб-китобини қилиб, келишиб олганмиз. Бизда белгиланган тартибга кўра сут соғувчи 1 литр сут соғиб олгани учун 30 тийин ҳақ олади. У боқимидаги сигирлардан бир кунда 250 — 300 литр сут соғди, дейлик. Демак, бир кунда у 70-80 сум пул ишлайди. Уни ойига купайтирсак 2500 — 2600 сумни ташкил этади. Ҳозирги кунда соғиб олинаётган сутнинг 70 фоизи қайта ишланмоқда. Қайта ишланган сутнинг 1 литри 6 сўмданга айланмоқда. Фермaнинг ҳаражатига 1 ойда 60 минг сўм керак бўлади. Ҳисобласак, 12 ойлик ҳаражат 720 минг сумга етади. Ана шу ҳаражат эса 1994 йилда сигирлардан соғилган сутни 100 тоннага купайтириш ва сутни қайта ишлаш эвазига олинган даромад ҳисобига бемалол қопланди. Ҳозирги пайтда қайта ишланиб, қаймоқ, сузма ва бошқа истеъмолга тайёр сут маҳсулотлари туманимиз ва шаҳарнинг аҳоли гавжум гузарларидаги 8 та фирма-магазини орқали сотилмоқда. Келгусида биз шундай тармоқлар сонини 12-13 тага етказамиз. Сунгра соғиб олинаётган сутни юз фоиз қайта ишлашга ўтамиз.

Шундай қилиб, утган йили чорвачиликдан 550 минг соф фойда олинди. Бу йил сигирларнинг маҳсулдорлигини 4500 литрга етказиш ниятидамиз. Ана шунда соф фойда 1 миллион сумни ташкил этади. Ҳозиргача эришилган натижалар мулжални тўғри олганлигимизни кўрсатяпти. Сигирлардан ўтган йилдагига қараганда 80 тонна кўп сут соғиб олинди. Беш ойда ҳар бош соғин сигирдан олинган сут 240 литрданга купайди. Албатта, бунга қаровни яхшилаш, сигирларни ширали ва тўйимли, сифатли озуқа билан тўйдириб боқилаётганлиги туфайли эришилмоқда.

Шу ўринда бир янгиликни айтиб ўтай. Одатда, бизда силос, биласиз ўраларга бостирилади. Устидан қора пленка ёпилиб устидан тупроқ тортилиб шиббаланади. Лекин кўп жойларда силос ўралари очилгач, яхши беркитилмай қолади, қор-ёмғир ёғиб, кўлмак сувлар аралашиб сифати бузилади. Боз устига талон-торожга ҳам учрайди. Ана шу ҳақда мулоҳаза қилдик. Бунинг устига пленка ҳам тақчил бўлиб қолганди. Шуни ҳисобга олиб Болгарияда кўрган тажрибамни қўллашга аҳд қилдик. Гап шундаки, у ерда ўраларга силос юза қилиб солингач, устидан беда пичани ғарамлаб қўйилади, холос. Биз ҳам шу усулда утган йили 5 та уранинг ҳар бирига 400-500 тоннадан силос бостирдик. Айрим мутахассислар «бўлмайди» деб қаршилик билдиришди. Биз эса, «бўлади», деб ишондик. Тўғри қилган эканмиз. Силос жуда яхши сақланди. Фойдаси катта бўлди. Силос ураси тепасига беда босилганда ўғирлик ҳам бўлмайди. Чунки бедани бузмасдан туриб силосни олиб бўлмайди. Шу янгилик туфайли 1994 йил охирида 60 тонна беда 50-60 тонна силос тежаб қолинди. Бу қаҳратон қишда бир-бир ярим ойга етадиган озуқа эди. Бизнинг бу тажрибамиз билан тумандаги бошқа хужаликлар ҳам қизиқиб қолишди, маъқул топишди.

— Фермадагилар «раисимиз бош чорвадоримиз» деб бежиз айтишмас экан-да.

— Сирасини айтганда хужалик раҳбари чорвачиликдаги аҳвол билан доимий қизиқиб, амалий ёрдам ва маслаҳат бериб турсагина соҳа ривож топади. Мен бунга қатъий амал қиламан. Ҳар куни иш фаолиятимни фермaнинг кечаги кўрсаткичларини таҳлил этишдан бошлайман. Қанча сут соғиб олинди, ўтган кундагидан купайдими, камайдими? Мабодо камайган бўлса, нега бундай аҳвол содир бўлди, суриштириб сабаби тагига етиб, чорасини кўрмагунча кўнглим тинчимайди. Бундан ташқари ҳар ойда бир марта фермaнинг ўзида чорвадорлар билан йиғилиш ўтказиб, ойлик иш якунини миридан-сиригача таҳлил қилиб, ютуқлар нимада-ю, камчиликлар нимадан иборат урганиб, кейинги ишлар режасини тузиб оламиз.

— Ҳозирги шароитда хўжалик фаолиятига у қанча маҳсулот олаётгани, режани қандай бажараётганига қараб эмас, иқтисодий қуввати, даромад ва буромадига қараб баҳо берилади. Шундай эмасми?

— Албатта-да. Биз анчадан буён давлатдан қарз олмаймиз. Маошни кечиктирмай ўз вақтида тулаб келяпмиз. Утган йили ҳаммаси булиб 10 миллион 835 минг сум даромад қилдик. Шундан 2 миллион 792 минг суми соф фойдани ташкил этди. Кассада нақд 5 миллион сум пулимиз бор. Пулни пул чақиради, дейдилар-ку. 2 миллион сўм пулимизни йилига 200 фоиз фойда берадиган банкка қўйганмиз. Бундан давлат ҳам фойда кўрмоқда, биз ҳам. Бир жамоа аъзосининг ўртача ойлик маоши утган йили 600 сўмданга тўғри келди. Лекин иссиқхонада ишловчиларнинг маоши икки ҳисса кўп булди. Тракторчилар, механизаторларнинг ойлик маошлари эса 800-1000 сумга етди. Бу йил эса, маошлар тенг бараварига купаймоқда.

Биз йил бошида 30 миллион сум даромад олишни, камида 8 миллион сум соф фойда қилишни мулжаллагандик. Бунинг ўрни, ҳисоб-китоби бор: иссиқхонадан 15 миллион, чорвадан 5 миллион, банкка қўйилган пуллдан олинадиган фоиз ва ижара ҳақидан келадиган 5 миллион, узумни қайта ишлаб сотиш ҳисобига 5 миллион сўм тушум. Ҳаммаси 30 миллион сум-ми.

Бу қишлоқ хўжалиги йили яхши келяпти. Дала ва боғларда ҳосил мул булиши кутиляпти. Бу йилги узум ҳосилини қайта ишлаш ҳисобига 10-15 миллион сум даромад олсак, демак, 1995 йилги умумий даромад 40-45 миллион сумга етади, ўз-ўзидан соф даромад ҳам анча купаяди. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Ишлаш керак, астойдил меҳнат қилиш керак. Одамларнинг руҳини кўтариш, уларнинг ҳақини ўз вақтида бериб туриш шарт. Бунинг эпини қиляпмиз. Масалан, бизда бир ойлик маош учун 627 минг сўм пул керак бўлади. Банкдан ҳар ойда 250 минг сўм фойда пули оламиз. Сутни қайта ишлаш ҳисобига эса 350-400 минг сум пул тушиб туради. Ана шу пулларни жамлаб, ойлик маош тўлаш учун ишлатяпмиз.

— Сиддиқ ака, мана, яқинда Президентимизнинг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. У ҳақдаги сизнинг фикрингиз?

— Ҳақиқатан ҳам истеъмолчи билан маҳсулот етказиб берувчи ўртасида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилмаётганлиги иқтисодиётимизга анча зиён етказаётган эди. Мана қаранг, истеъмолчилар шу йилнинг январидан то ҳозирги кунга қадар биздан 6 миллион сум пул қарз бўлиб қолишди. Ана берамиз, мана берамиз, деб чўзиб келишяпти. Бу орада нархнаво ошиб, пул қадрсизланиб қолаётир. Бу кимга зиён? Бу, албатта, бизга, деҳқонга зиён-да! Ахир алам қилади-да, бу пуллар ўз вақтида берилганида биз уларни ишлатиб, кор-хайримизга яратиб катта манфаат курардик-ку. Энди бўлса, улар бу пулни 15 июнгагача тулаймиз, деб туришибди. Нима ҳам қилардик... Шунинг учун ҳам бу фармоннинг эълон қилиниши айни муддао бўлди. Энди биз ҳам сув кўрмай этик ечмаймиз. Оладиган маҳсулотларига олдиндан 15 фоиз ҳақини тўламасалар бермаймиз.

Демак, деҳқон меҳнатининг қадрини ошириш, уларнинг даромадларини кўпайтириш учун яна бир имконият пайдо бўлди. Бу имконият деҳқонларимиз ғайратини янада оширади. Улар далада, боғдагина эмас ўз томорқаларида ҳам омилкорлик билан иш юритмоқдалар. Деярли ҳар бир хонадоннинг ўз кичик фермаси, айримларда эса, маҳсулотни қайта ишлайдиган ихчам цехлар ҳам бор. Узум етиштирмайдиган хонадон йўқ. Деҳқон, боғбоннинг далада, боғда ишлаб олаётган даромади, маошига уларнинг ўз томорқа участкаларидан ҳам самарали фойдаланиб, мўмай даромад қилаётганликларини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам деҳқонларимиз бой-бадавлат яшашга ҳақлидирлар.

Лекин бой бўлиш осон эмас. Чунтагимда пулим бор, деб унинг ҳисобини қилмай булар-бўлмас нарсага сарфлаш керак эмас, албатта. Пул топгандан кейин ақл ҳам топиш керак. Шундай эмасми?

Келинг, одатда хасис одамлар ҳақида гап кетганда айтиладиган «ема-ичма бўл бахил, бой бўлмасанг мен кафил» деган мақолнинг мағзини биргалашиб чақиб кўрайлик. Аслини олганда емай-ичмай, яшаб бўлмайди-ку.

Бу ерда гап тежамкорлик, моддий бойликни исроф қилмай сарф қилиш тўғрисида боряпти, чамамда. Шу ўринда раҳматлик отамнинг ёшлигимизда бир бой ҳақида айтиб берган ҳикояти ёдга тушди. Уша бойнинг бир ҳовлида 5-6 хонадони бўларкан. Кечқурун қоронғу тушгач, битта гугурт ёқиб уйдаги ҳамма чироқларни ёқиб чиқаркан. Уни хасис деб кулишаркан. Инсоф билан айтганда, бу хасисликка кирадими, — йўқ, тежамкорликка, иқтисодга киради. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бизга шундай одамлар керак!

Мақтаниш эмаску, бизнинг деҳқонларимиз ҳисоб-китоб билан иш юритишади. Томорқасиданми, даладанми, бир қарич ерни ҳам бекор қўйишмайди. Иложини топишса бир ердан уч-тўрт марта ҳосил олишади. Бирон дақиқа вақтларини беҳуда ўтказишмайди. Узларига тегишли от-уловларни асраб-авайлашади. Тракторни, машинани бекорга юргизиб қўйишмайди. Улар пул топишнинг йўлларини яхши билишади. Авжи қиш чилласида деҳқон бозорини айланиб, ишкомдан кечагина узиб олингандек товланиб турган узумни харид қилаётиб, қаердан олиб келгансиз, деб сураб кўринг-а! Муҳаммаджон Фозиловдан деган жавобни эшитасиз. Чунки улар махсулот етиштиришгач уни асраб авайлаб, сотишни ҳам ҳаддини олишган. Бой бўлиш «сир»лари ана шунда!

— Юз қўшчига бир бошчи деганларидек, бунда, албатта сизнинг хизматингиз катта. Ташкилотчилигингиз, елиб-югуришингиз, ҳукуматимиз фармонлари ва қарорларининг бажарилиши учун астойдил жон қуйдираётганлигингиз туфайли хўжалик йил сайин юксалиб бормоқда. Бу кўпчиликнинг фикри.

— Мен ўз бурчимни садоқат билан бажаришга ҳаракат қилиб келяпман. Мана, ёшим 73 га борди. Ҳаётий тажрибам ҳам етарли. Лекин ҳеч вақт хотиржамликка берилмайман. Ҳамма нарсани билиб олганман, менга ўргатишнинг ҳожати йўқ, деган ҳаёлга бориш менга ёт. Ҳар куни бирон бир соҳадаги ишларни иложи борича таҳлил қилиб бораман. Дала айланаман, деҳқонлар билан мулоқотда буламан. Уларга айрим маслаҳатларни берсам, кўп ҳолларда улардан ўрганаман. Камчиликларимни, хатоларимни билиб оламан.

Эрта баҳор эди, беда ўстираётган, ғаллага қараётган, озуқачилик билан шуғулланаётган деҳқонлар билан суҳбатлашганимда улар меҳнатларига бу йилги шароитда қанча ҳақ олишлари ҳақида аниқ тасаввурга эга эмасликларини билиб олдим. Бу бизнинг айбимиз эди. Уша куннинг ўзидаёқ мутахассислар билан маслаҳатлашиб, йиғилиш ўтказиб, бу камчиликни тугатиш чораларини кўрдик. Ҳар бир ғаллакор, озуқа етиштирувчи деҳқон қанча маҳсулот етиштирса, қанча ҳақ олиши, режадан ортиқча маҳсулотига қанча ҳақ олиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўла бошладилар. Шундан кейин уларнинг руҳлари кўтарилиб, иш ҳар жиҳатдан авж олиб кетди.

Ҳозирги шароитда далада, фермада ишлаётганларни ижтимоий ҳимоя қилишни бош вазифа деб биламиз.

Фаолларимиз билан маслаҳатлашиб, бунинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиққанмиз. Хужалигимизда узоқ йил ишлаган, унинг ривожланиши, равнақ топишига ҳисса қўшган фахрийлар эъзозда. Қанча ногирон бор, қанча кам даромадли оилалар бор. Ҳаммаси-ҳаммаси ҳисобда. Уларга баҳоли қудрат озиқ-овқат маҳсулотлари бериб турилади. Фахрийларни эъзозлаймиз. Жамоа хужалигида узлуксиз 25 йил ишлаган эркакларга, 20 йил ишлаган аёлларга ойлик маошларига 20 фоиздан қўшимча ҳақ тулаяпмиз. Ҳозир бундайларнинг сони 108 тага етди. Улар нафақага чиқишганида электр, газ, сув ҳақларининг 50 фоизини тулайдилар.

Бизда ишлаб қарилик нафақасига чиқаётганларга бирйула 500 сум пул мукофот қилиб берилади. Хужаликда узоқ йил ишлаган эркак ва аёлларга, ногиронларга, кам даромадли оилаларга (улар жами 83 киши) хужалик ҳисобидан ички нафақа ҳам белгиланган. Моддий ёрдам бериб турилади.

Аёлларимиз 7 ойдан эмас, 5 ойдан хомиладорлик дам олишига чиқадилар. 2 ойлик ҳақни хужалик ҳисобидан тулаймиз. Бу йил 36 аёл хомиладорлик дам олишига чиқарилди. Уларга 28 минг сум пул берилди.

Иккита болалар боғчасида 300 га яқин кичкинтой тарбияланмоқда. Уларнинг туриш-турмуши хужалик ҳисобидан. Худудимиздаги мактаб ўқувчиларини, яъни бошланғич синф ўқувчиларининг эрталабки нонуштаси учун хужалик кунига 40 литр сут юборади. Тошкент шаҳри ва Тошкент туманидан қатнаб қишлоқ мактабида дарс бераётган ўқитувчилар 22 нафар. Йўлкира ҳақи ошиб кетди. Буни ҳисоб-китоб қилиб чиқиб, йўлкира ҳақи учун бир ойда 5000 сум ажратяпмиз.

Хужалик худудида 3 та маҳалла қўмитаси бор. Қўмиталарнинг раислари ва муовинлари ойда 300 сумдан маош оладилар. Шу каби бошқа ижтимоий ҳимоя тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.

— Сиддиқ ака, шу йил 16 май куни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда 1995 йилнинг биринчи чораги дастурининг бажарилиши, биринчи ярим йилликни муваффақиятли якунлаш борасидаги вазифалар муҳокама этилди. Бу йиғилишда фаолиятимиз бозор талабларига мос бўлсин, деган талаб қўйилди. Сиз хўжаликда шу йилнинг ўтган ойлари давомида қилинган ишлар, эришилган натижалардан мамнунмисиз?

— Албатта, дала иссиқхона ва боғ меҳнаткашларига, чорвадорларимизга минг раҳмат. Ҳар бир соҳада, тармоқда катта силжиш бўлди. Белгилаб қўйган режаларимиз зиёдаси билан бажарилди. Лекин бу билан мен ҳамма ишларимиз жойида, муаммоларимиз йўқ, демоқчи эмасман. Камчиликларни ўзимиз аниқлаб тузатиб борамиз. Муаммоларни ўзимиз, баҳамжиҳат ҳал этамиз.

Ҳозир шундай даврки, тинмай изланиш, имконият қидириш, янгиликларни, илғор тажрибаларни, ишлаб чиқаришга жорий этиш ва шу асосда бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан салмоқлироқ натижаларга, кўрсаткичларга эришиш керак. Ана шунда қайта-қайта таъкидланаётгандек замон талабларига мос ишлаган буламиз.

Кўп эшитяпмиз, Президентимиз қишлоқ хужалиги масалалари муҳокама қилинган катта-катта йиғилишларда ривожланган мамлакатлар қишлоқ хужалигидаги ютуқлардан мисоллар келтириб, у ерда меҳнатга қобилиятли аҳолининг бор йўғи — 7-8 фоизигина қишлоқ хужалигида банд, бу тармоқда фақат унумли меҳнат қиладиганлар ишлайди, деб айтадилар. Бора-бора биз ҳам шунга эришишимиз керак-да. Бунинг учун қишлоққа саноатни олиб киришни режа асосида ташкил этиш, кичик-кичик корхоналарни барпо этиш зарур. Лекин бу соҳада ҳам шошма-шошарлик, пала-партишлик билан иш тутиб бўлмайди. Етти ўлчаб бир кесиш керак бўлади. Афсуски, яширишнинг ҳожати йўқ, кўп жойларда бу соҳада дастлабки пайтларда ўйламай-нетмай иш қилинди. Келажак ҳақида қайгурмадилар.

Корхона қурилгач, шундай маҳсулот ишлаб чиқариш керакки, у харидоргир бўлсин. Жаҳон бозорига чиқа олсин. Ҳам корхонага, ҳам халққа наф келтирсин. Ахир тўғрида, сен ишлаб чиқарган, дейлик қўйлакка 200 сум нарх қўйилса, бошқа худди шундай корхона сеникидан чиройли, бежирим қўйлак ишлаб чиқарса-да у 100-150 сўмдан сота бошласа, унда сен ташкил этган корхонанинг аҳволи нима кечади? Албатта синади, инқирозга юз тутади. Бундайлар йўқ дейсизми. Тўғрисини айтганда бошида биз ҳам айрим хатоларга йўл қўйдик. Шлакаблок ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этган эдик, у анча вақтгача ишламай турди. Хом аше етказиб беролмадик. Энди-ликда ҳар қандай кичик корхонани ташкил этишдан олдин унинг истиқболи ҳақида қайгуришни қатъий қоида қилиб олганмиз.

Айни кунларда тикувчилик, цехи ишини жонлантириб юбордик. Шлакаблок ишлаб чиқарадиган цех ҳам тўла қувват билан ишлаяпти. Ҳар куни 800 — 1000 та ғишт тайёрланмоқда. Узумни қайта ишлаш цехини бурноғи йили ишга туширганмиз. Катта-кичик корхоналаримизда ҳаммаси бўлиб 500 киши банд. Биз бу корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини оширамиз. Масалан, узумни қайта ишлаш цехида янги линиялар ишга туширилади. Бошқа кичик корхоналар қуришни ҳам режалаштирганмиз. Ана шунда қишлоғимиздаги бу кичик саноат корхоналарида иш билан банд бўладиганлар сони мингга етади. Бу мақсадга эришсак, бевосита қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланадиганлар 10-12 фоизни ташкил этади. Бу амалга оширса бўладиган ишдир.

Дала ва боғларимизда иш қизғин. Бу йил сабзавот, узум, озуқа экинлари ҳосили мўл бўлиши кутилмоқда. Лекин бунинг учун ҳали қаттиқ меҳнат қилишимиз керак. Бор ҳосилни тўла сақлаб қолиш учун шу кунларда зарур чора-тадбирларни кўриш талаб этилади. Ана шу мақсадда далалардаги, боғлардаги экинлар, узумларнинг ҳолати, чўғи, баракасини кўриб, мўлжалдагидек ҳосил тўплаш тадбирларини ўтказиб, зарур парвариш ишларини амалга оширяпмиз. Мақсад шуки, 5 июлга қадар далалар, боғ-роғлар чиллага киришга тайёр бўлсин. Ана шунда экинлар, боғ-роғлар саратон иссиғига бардош бериб, ширатортиб, тарози босиб, мўл ҳосил олиш, улкан хирмон яратиш имконини беради. Бу чинакамига бойишнинг асосидир.

Суҳбатдош Н. РИҲСИЕВ.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● *РОССИЯ Федерацияси Президенти Борис Ельцин билан Украина Президенти Леонид Кучма ўртасида олий даражадаги учрашув ниҳоясига етди. Унда Қораденгиз флоти масаласи билан боғлиқ ҳужжат имзоланди. Ушбу ҳужжатга кўра, Қораденгиз флоти Севастополга кўчирилади. Украина Президенти Леонид Кучма Россия-Украина олий даражадаги учрашуви энди ҳар ойда ўтказилади, деди журналистлар билан суҳбатда.*

Навбатдаги учрашув Қримда ўтадиган бўлди.

***

● *АҚШ Япония ҳудудида жойлашган ҳарбий ҳаво кучлари базасидаги ф-16 ҳарбий самолетларининг сонини қисқартиришга қарор қилди. Мазкур самолетлар уруш хавфи тугилганида Россиянинг Узоқ Шарқига зарба бериш мақсадида жойлаштирилган эди. Энди эса «совуқ уруш» даври ўтди, Россия Итуруп оролидан ўз ҳарбий самолетларини олиб кетди. Натижада, Россия авиациясининг Япония ҳудудига ҳужум қилиш эҳтимоли йўқолди.*

***

● *ЯПОНИЯ ҳукумати суд орқали «Аум синрикио» диний мазҳабини тарқатиб юборишга қарор қилди. Тергов ишлари натижасида шу нарса маълум бўлдики, ушбу диний мазҳаб Россиядан АК-74 «Калашников» ўт очар қуроли нусхасини яширинча келтириб, уни ялпи ишлаб чиқаришга уриниб курган.*

***

● *АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер Исроил Бош вазири Исҳоқ Рабин билан учрашди. Учрашувда у Яқин Шарқдаги Тинчлик музокаларининг муваффақиятли ривожига умид билдирди. Ҳозирги вазиятни У. Кристофер «Тинчлик учун кутилмаган имкониятлар пайдо бўлди», дея баҳолади.*

***

● *МИСР Президенти Ҳусний Муборак Исроил Бош вазири Исҳоқ Рабин билан музокара ўтказди. Унда Яқин Шарқдаги тинчлик музокаралари жараёни билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Олий даражадаги учрашувга кейинроқ АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофернинг ҳам қўшилиши кутилмоқда.*

***

● *МИСРНИНГ Абу Каркас шаҳри яқинида ҳукуматнинг хавфсизлик кучлари билан қўпорувчилар ўртасида тўқнашув юз берди. Натижада 5 нафар қўпорувчи ва икки ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган, дейилади шу мавзудаги хабарда.*

***

● *ҲИНДИСТОННИНГ собиқ бош вазири Ражив Гандига суиқасд қилганлар устидан қўзғатилган суд жараёни шу йилнинг охиригача ниҳоясига етади. Бу ҳақда ушбу жиноятни урганиб чиқаётган махсус гуруҳ аъзолари ҳукумат вакиллари билан учрашувда маълум қилди.*

(УзА).

Тиббиёт ходимлари куни арафасида

НАВБАТ — РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИГА

Паркент туманида «Ҳамшира-95» вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди

Одатда энг шарафли, айни замонда машаққатли касб эгалари бўлган шифокор ва ҳамшираларни саломатлик посбонлари деб атаймиз. Негаки улар кишилар соғлиғига, демакки, инсонлар ҳаётига дахлдорлирлар. Бу соҳа ходимлари ўз танлаган касбларига фидойи бўлишлари, билим ва малакаларини узлуксиз ошириб, бугунги кунимизда рўй бераётган янгилик ва узгаришлардан хабардор бўлиб боришлари лозим.

Президентимиз, ҳукуматимиз соғлом авлод учун тинмай ғамхўрлик кўрсатаётган ҳозирги кунда тиббиёт ходимлари ҳам зиммаларидаги масъулиятли вазифаларини алоҳида хис этмоқдалар.

Хусусан вилоятимиздаги мавжуд 139 шифохона, 266 амбулатория поликлиникаларида 5317 нафар олий маълумотли шифокорлар билан бир қаторда 24 минг 329 нафар ўрта тиббиёт ҳамшираси беморлар дардига малҳам бўлиш, эл саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида кеча-ю кундуз фидойилик билан меҳнат қилмоқдалар.

Мана бир неча йилдирки улар орасидан энг сара, энг зукко ва билимдонларни аниқлаш, элга танитиш, рағбатлантириш мақсадида тиббиёт ходимлари куни арафасида «Ҳамшира» танловини ўтказиш анъана тусига кириб қолди. Куни кеча ана шундай танловнинг дастлабки босқичи иштирокчилари — шаҳар ва туман голибларидан 23 нафари Паркент туманининг «Кумушкон» дам олиш оромгоҳида вилоят биринчилиги учун мусобақалашдилар. Вилоят Ёшлар Иттифоқи, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят маданият ишлари бошқармаси, вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу танлов қатнашчиларини вилоят ҳокимининг муовини Дилбар Жаҳонгирова табриклаб, уларга омад тилади.

Мусобақа шартлари турли-туман эди. Хусусан биринчи шарт — Узбекистоннинг тарихи ва бугуни ҳақидаги саволларга қизларнинг жаваблари кишини қувонтирди. Айниқса, буюк аждодларимиз Амир Темур, Бобур, Улуғбек, Ал Хоразмий, уларнинг ҳаёти, ижоди ва яратган асарлари, мустақил Узбекистонимиз, унинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, юртгизаётган сиёсати ҳусусидаги саволларга ҳамшира қизларнинг жаваблари муносиб баҳолаб борилди. Ушбу шарт бўйича қибрайлик Ўғилой Тўлаганова, Тошкент туманидан Гулнора Муҳаммаджонова, вилоят шифохонаси ҳамшираси Гузал Қудратуллаеваларнинг аниқ жаваблари ҳакамлар ҳайъатига маъқул бўлди.

Танловнинг навбатдаги шарти юзасидан иштирокчилар ўз касб маҳоратларини намойиш этдилар. Ушбу босқич бўйича деярли ҳар бир қатнашчи ўз мутахассислигининг устаси эканлигини, унинг сир-асрорларини чуқур ўзлаштириб олганлигини намойиш эта олди.

Албатта, ҳар бир қиз қандай касб эгаси бўлишидан қатъий назар у бўлажак уй бекаси, демакки, мустақил юрт учун соғлом, баркамол, хур фикрли ўғил-қизларни тарбиялаб вояга етказувчи она. Шу боис ҳам мусобақа шартларидан бирида оила, турмуш масалаларига доир саволлар киритилганлиги бежиз эмас эди. Жумладан «Замонавий аёл қандай бўлиши керак?», «Аллани биласизми?», «Оилада ким бошлиқ бўлиши керак?», «Соғлом авлод учун» ордени ҳақида гапириб беринг?», «Болани бешикка солиш», «Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши», «Унтанинг ёрёри бўлгунча, биттанинг вафодори бўл», «Қайноналик келин қарқара келин, қайнонасиз келин масҳара келин каби халқ мақолаларини шарҳлаб беринг?» сингари саволларга танлов иштирокчилари аниқ, пухта ва мазмунли жаваблари билан томошабинлар олқишига сазовор бўлдилар.

Халқимиз санъатсевар, зеро ёшларимиз орасида ҳам бундай иқтидорлилар кўпчиликни ташкил этади. Шу куни мусобақалашаётган ҳамшира қизларнинг ҳар бири ҳам санъатнинг бирор тури билан астойдил шуғулланишларини, қўшиқ ёки рақс устаси, шеър ихлосманди ёхуд актерлик қобилиятига эга эканликларини намойиш эта олдилар. Айниқса бекободлик Сайёра Жабборова, юқоричирчиқлик Нафиса Аширбоева, паркентлик Машруба Нишонхўжаевалар ижро этган жозибали рақслар, оҳангаронлик Санобар Абдурасулова, янгийўллик Муҳайё Аҳмедовалар ижросидаги қўшиқларни кўпчилик узоқ олқишлади. Ангренлик Гулшаҳноз Исмоилова тайёрлаб келган «Антиқа ҳамшира» саҳна куринишида эса бугунги кунда тиббиётимизда учраб турувчи айрим нуқсонлар хажв орқали фош этилди.

Ҳакамлар ҳайъати натижаларига кўра Оҳангарон туман марказий касалхонаси ҳамшираси Санобар Абдурасулова биринчи ўринга муносиб кўрилди. Унга гилам ва бошқа совғалар топширилди ҳамда республика танловида вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш истаги билдирилди. Тошкент тумани тиббий бирлашмасига қарашли Саримсоқов номли қишлоқ амбулаторияси ҳамшираси Гулнора Муҳаммаджонова эса иккинчи ўринни эгаллади. Иккита учинчи ўриндан бири Оққўрғон туманидан Гуландом Мирбоёзовага, ва яна бири эса вилоят шифохонаси ҳамшираси Гузал Қудратуллаевага насиб этди. «Уз касбининг энг яхши устаси» деган шарафли номга эса Паркент тумани вакиласи Машруба Нишонхўжаева сазовор бўлди.

Кўрик танлов тугагач, ҳар бир иштирокчига-ҳомийлар — вилоят ҳокимлиги, вилоят Ёшлар иттифоқи, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят тиббиёт ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси ва вилоят Қизил ярим ой жамиятлари, Паркент туман ҳокимлигининг совғалари топширилди.

З. ЖУРАЕВА.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.
Даврон АҲМАД олган суратлар.



ФУТБОЛ

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИЯЧИЛАРИ ПЕШҚАДАМ

УТГАН шанба куни «Пахтакор» ўйингоҳида Узбекистон олимпиячилари ўзларининг иккинчи саралаш учрашувларини Тожикистон терма жамоаси билан ўтказдилар. Маълумки, ушбу гуруҳда футболчиларимиз биринчи ўйинни Бишкекда ўтказиб, Қирғизистон жамоасидан 5:1 ҳисобида ғолиб чиқишганди. Тожикистон футболчилари эса Қозоғистон олимпиячиларидан 0:3 ҳисобида енгилишганди.

Учрашувнинг дастлабки минутлариданоқ ҳар иккала жамоа ўйинчилари ташаббусни ўз қўлларига олишга уриндилар. Гоҳ у, гоҳ бу дарвоза олдида бир неча бор хавфли вазиятлар содир бўлган бўлса-да, биринчи бўлимда ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлимда ватандошларимизнинг устунлиги яққол сезилди. Кетма-кет уюштирилган ҳужумларнинг бирида Неъматилла Қуттибоев ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Учрашув тугашига ўн дақиқа қолганда М. Қурбонов иккинчи тупни киритди. 2:0 ҳисобида ғолиб келган Узбекистон олимпиячилари икки ўйиндан сўнг олти очко билан пешқадамликни қўлга олдилар. Қирғизистон ва Қозоғистон учрашуви 2:2 ҳисобида тугади. Қозоғистон олимпиячилари ҳисобида 4 та, Қирғизистон футболчиларида битта очко бор.

Олимпиадачиларимиз навбатдаги учрашувни ўз майдонларида 24 июнь куни Қозоғистон футболчилари билан ўтказишади.

УЧ ЎЙИН КЕЧИКТИРИЛДИ

Мамлакат биринчилиги олий табақаси вакилларининг 12-тур ўйинларида уч учрашув кечиктирилди. «Нефтчи»—«Янгиер», МҲСК — «Трактор», «Темирйўлчи»—«Пахтакор» ўйинлари бугун ўтказилади.

«Политотдел» футболчилари Жиззахда «Суғдиёна» меҳмони бўлиб 1:1 ҳисобида дуранг ўйнадилар. Шунингдек «Машъал»—«Атласчи» учрашувида ҳам ана шундай ҳисоб қайд этилди. Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси Термиз армиячиларини 4:0 ҳисобида енгиб, очколарини 24 тага етказдилар. Бухоронинг «Нурафшон» жамоаси эса Андижоннинг «Наврўз» футболчиларини 1:0 ҳисобида енгишди. Бухороликлар 24 очко билан иккинчи ўринда боришмоқда.

«ҒАЗАЛКЕНТ» ЯНА ОЛДИНДА

БИРИНЧИ гуруҳ иккинчи минтақада Бўстонлиқнинг «Ғазалкент» футболчилари яна пешқадамликни қўлга олишди. Улар навбатдаги турда Чирчиқнинг «Кимёгар» футболчиларини 1:0 ҳисобида енгиб, очколарини 22 тага етказдилар. «Наврўз»—«Кушон» учрашуви 1:1 ҳисобида тугади. Қибрайнинг «Маданият» футболчилари ўз майдонларида Тошкентнинг «Чилонзор» жамоасига 0:1 ҳисобида ўйинни бой бердилар.

РАҲБАРИНИНГ УҚУВСИЗЛИГИ ВА БЕМАЪНИ ТАШАББУСИ ИЖТИМОИЙ КЕСКИНЛИКНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРИШИ МУМКИН ЭДИ

Чиройли атиргуллар тасвирланган почта очиқ хати Тахиатошдаги ҳамма пенсионерларни ҳаяжонга солди. Улар очиқ хатни олиб, нима қилишни билмай, ҳайратга тушишди. Хўш, почта очиқ хати билан шаҳар оқсоқоллари ўртасида қандай боғланиш бор?

Маълумки, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида етказиб бериш республикада амалга оширилаётган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш сиёсатининг энг муҳим йўналишидир. Нақд пул билан боғлиқ мавжуд қийинчиликларга қарамай, ҳокимликлар, ижтимоий таъминот идораларининг раҳбарлари узоқ йиллар давомида ҳалол меҳнат қилган кишилар пулини вақтида олиши учун ҳамма имкониятни ишга солмоқдалар.

Тахиатош шаҳри ҳокими А. Шапиев шаҳарда нақд пул муомаласини тезлаштириш бўйича мажлис ўтказиш ҳақида қурсатма берганида, эҳтимол, шундай деб ўйлагандир. Бу ўринда шуни айтиш керакки, текшириш натижасида бу мажлиснинг ёзма баёни сохталаштирилган ва ўтказилган куни ҳам ўзгартиритган бўлиб чиқди.

Ҳоким пенсия тўлаш билан боғлиқ қийин аҳволдан чиқиш учун «ўзига хос» йўл тутди. Яъни, май ойида пенсия миқдори 600 сум бўлган кишиларга фақат 40 фоиз нақд пул тўлашга, бундан кўпроқ пул оладиганларга эса, ўттиз фоиз нақд пул бериш билан чекланишга қарор қилинди. Шаҳар раҳбарининг режасига кўра, кексалар пулнинг қолган қисми эвазига «Тахиатошгидроэнергоқурилиш» трести ишчилар таъминоти бўлимининг магазинидан озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишлари лозим эди. «Узсаноатқурилишбанк» шаҳар бўлими ва почта алоқаси бунинг учун мавжуд барча қоидаларни бузиб, ишчилар таъминоти бўлимига 1 миллион сум пул ўтказди. Бу ишни одамларга тушунтириш мақсадида А. Шапиев ва унинг биринчи ўринбосари К. Давлетов фармойиши билан 6 июнда «очиқ эшиклар куни» ўтказишга қарор қилинди. Шаҳарда тегишли эълонлар осилди, учрашувга Нукусдан Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирининг ўринбосари Г. Жуманазарова келди. Бироқ, тадбир ташкилотчилари шаҳар ҳокимининг «ўзига хос» қарори сабабини аниқлаш учун бир неча ўн киши эмас, балки олти юз нафарга яқин пенсионер келишини кутмаган эди.

Тахиатошда шунча одам сиғадиган залнинг ўзи йўқлиги учун суҳбат кўчада бошланди. Нима учун бу қадар таҳқирга маҳкум этилганини тушунолмаган қариялар уларга тегишли бўлган пуллар нима учун ўзбошимчалик билан тасарруф қилинаётганини аниқлашга ҳаракат қилдилар. Ҳоким ҳам, вазир ўринбосари ҳам бу саволга дурустроқ жавоб бера олмаганининг сабаби равшан, албатта. Одамлар масаланинг моҳиятини тушунтириб беришни талаб қилди. Ҳайриятки, бу масалани шошилинч равишда қайта кўриб чиқишга, уни ҳал этишга Вазирлар Кенгаши ҳамда республика Жўқорғи Кенгеси масъул ходимларини жалб этишга берилган ваъдалар ижтимоий ларзага олиб келмади.

Ҳайратланарли томони шундаки, бу воқеадан сўнг, бир неча кун ўтса ҳамки, республика раҳбарлари бундан хабар топишгани йўқ. А. Шапиев, Ижтимоий таъминот вазирлиги ва банк раҳбарлари можаро шу билан тугади ва у ҳеч кимга маълум бўлмайди, деб ўйлашган шекилли. Лекин улар хато қилган эдилар...

Шошилинч тарзда Жўқорғи Кенгес комиссияси тузилди. Комиссия хулосаси аниқ: Тахиатош ҳокимлиги Узбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни қўпол равишда бузилишига йўл қўйган, ҳоким А. Шапиев нақд пул муомаласига боғлиқ вазиятни шу йўл билан енгилаб олишга урининб, ўз ваколати доирасидан четга чиққан. Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши қонун бузилгани ҳақида келаётган хабарлар юзасидан вақтида тегишли чора кўрмаган, Қорақалпоғистон Ижтимоий таъминот вазирлиги ва марказий банк бўлими ҳаракатларини назорат қилмаган.

Шундан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг фармонлари ва қарорлари қабул қилинди. Пенсияларни тўлаш тартиби ва амалдаги қонунлар қўпол равишда бузилгани қайд этилиб, Тахиатош ҳокими А. Шапиев, унинг биринчи ўринбосари К. Давлетов, Қорақалпоғистон ижтимоий таъминот вазири А. Журбин, унинг ўринбосарлари Г. Жуманазарова ва З. Калиева вазифасидан четлатилди. Узбекистон Республикаси Алоқа вазирлигига Қорақалпоғистон давлат алоқа корхонаси бошлиғи К. Иброҳимовни вазифасидан бўшатиш ҳусусида талабнома тақдим этилди. «Узсаноатқурилишбанк» Тахиатош бўлими бошқарувчиси Ж. Асқаров ишдан бўшатилди. Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосарлари К. Душумбоев билан А. Тожибоевга ҳайфсан эълон қилинди. Бошқа айбдорлар ҳам жазоланди.

Хуллас, гўё ҳақиқат қарор топгандек, аммо Тахиатошда юз берган воқеани тасодиф деб бўлмайди. Қорақалпоғистон пул-кредит тизимидаги ишларнинг аҳволи қўпдан буён ташвиш уйғотиб келади. Фақат шу йилнинг беш ойида муомалага чиқарилган эмиссия (муомалага чиқарилаётган кағазидан ошиқ пул) деярли 50 фоизни ташкил этди. Бошқача қилиб айтганда, муомалага чиқарилган ҳар икки сўмдан бир сўми товар оборот ва пуллик хизматлар орқали республика тижорат банкларига қайтиб келмай, аҳолининг қўлида қолмоқда. Ўнлаб магазинлар савдодан тушган пулни банкка топширмаяпти. Бундай ночор аҳволнинг асосий сабаблари нимада? Бу сабаблар, афсуски, оз эмас.

Энг бош сабаб — аҳолининг пул даромадлари ва ҳаражатлари мувозанати тенглаштирилмагани, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳаларининг заифлиги, ишлаб чиқаришнинг таназзули, раҳбарларнинг бутунлай бепарволиги, ташаббуснинг йўқлиги, албатта. Рақамларга мурожаат қилайлик.

Январь-май ойлари мобайнида Қорақалпоғистонда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 400 миллион сумга, чакана товар обороти 1 миллиард сўмга камайди. Вақтида тўланмаган қарзлар миқдори 400 миллион сўмдан ошиб кетди. Шу туфайли пенсиялар, стипендиялар, бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлашда қийинчиликлар келиб чиқди.

Табиийки, Узбекистон ҳукумати, Марказий банк Қорақалпоғистондаги молиявий танглиги бартараф этиш учун барча ишни қилмоқда — аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинмаган табақаларига тўлаш учун бу ерга пул юборилмоқда. Лекин бундай молиявий ёрдам доимий бўлиши ва тобора кўпайиб бориши мумкин эмас.

Қорақалпоғистон Республикаси Узбекистоннинг бошқа минтақаларига нисбатан кўп жиҳатдан мураккаб ҳолатда экани шубҳасиздир. Қийин иқлим шароити, оғир экология вазияти, ишлаб чиқариш соҳаларининг заифлиги республиканинг молиявий аҳволига, унинг аҳолиси турмуш шароитига салбий таъсир қилмоқда. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Аммо бу ерда бозор мандалик қайфияти ҳам кучлилиги, ҳеч қандай ташаббус йўқлиги ҳам аён бўлиб қолаётир. Ҳар икки сўмнинг бир сўми банкка қайтиб келмаётгани ҳақида юқорида айтилган эди. Хўш, бу пуллар қаёққа кетмоқда? Баъзи бировлар миллий анъаналарга асосланиб, бу пуллар гилам тагида сақланмоқда, деб ҳисобламоқда. Уларнинг бир қисми Тошкент, Самарқанд ва Бухоро бозорларига кетмоқда. Нима учун? Шунинг учунки, бу шаҳарларда хилма-хил моллар мавжуд, сотиб олса арзийдиган моллар бор. Нукусда эса, ёзнинг иссиқ кунларида болалар ҳеч жойдан музқаймоқ сотиб ололмайди, бозорда гўшт ва гуруч Тошкентдагидан икки баравар арзон бўлса ҳам, умумий овқатланиш тизимида муаммолар кўп.

Тахиатошдаги воқеалар вазиятнинг қонуний давоми бўлди. Собиқ ҳоким А. Шапиев тушунтириш хатида қонунни қўпол равишда бузганини нақд пулнинг йўқлиги ва пенсионерлар тўғрисидаги гамхўрлик билан оқламоқчи бўлади. Бу аслида иккиюзламаликдир. Хўш, собиқ ҳоким шахсан ўзи пулни жалб этиш учун нима қилди, хизмат курсатиш тармоқларини кенгайтириш, кичик корхоналар барпо этиш, янги иш жойларини ташкил қилиш учун қандай чоралар кўрди? Ҳеч нарса қилгани йўқ! Қарияларни пенсия пули ўрнига ишчилар таъминоти магазинидан озиқ-овқат олиш тўғрисида почта орқали оғоҳлантиришнинг ҳақиқий сабабини прокуратура аниқлаши керак. Келинг, ўзимизни Тахиатошдаги пенсионерлар ўрнига қўйиб кўрайлик. Ҳеч қандай қушимча даромадингиз бўлмаса ҳам, сиз пенсиянинг етмиш фоизидан маҳрум бўлиб, ўзингизга кераксиз нарсаларни сотиб олишга мажбурсиз. Демак, чорасиз бир аҳволга тушиб қолгансиз. Почта очиқ хати бўйича сифатсиз гўштни сотиб олишни хоҳламасангиз, ўзингиздан кўринг, оч қолаверасиз. Бундай ноҳақликдан одамларнинг газабга келиши табиийми-йўқми?

Бозор муносабатларига ўтиш бирон-бир мамлакатда осон кечмаган. Лекин, жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бировларнинг ёрдамига умид қилиб бўлмайди, фақат ҳар бир кишининг меҳнати, ташаббускорлиги, тадбиркорлик фаолияти билангина мамлакатни гуллаб-яшнатиш, одамларни эса, бой-бадавлат қилиш мумкин. Таассуфки, Қорақалпоғистон раҳбариятининг айрим қисмида бошқача фикр ҳукмрон. Улар Тошкент бор экан, марказ бор экан, демак, улар ёрдам беришади, қийин аҳволга ташлаб қўйишмайди, деб ўйлашади. Лекин, машъум «ҳар кимга оз-оздан» деган сохта социалистик қоида ҳозирги давр руҳига мос келмайди. Яхши яшашни истаган одам ишлаши керак.

Узбекистон Президенти Ислом Каримов барча кенгаш ва учрашувларда ҳар доим: ташаббус курсатинглар, кичик корхоналар барпо этинглар, республика қонунлари сизлардай ташаббускорлар томонида, тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётганлар эса, қаттиқ жазоланади, деган фикрни таъкорлайди. Афсуски, бу гаплар ҳозирча Қорақалпоғистон раҳбарларининг қулоғига етиб бормаяпти, шекилли. Уларнинг ҳайрон қоларли даражадаги лоқайдлиги ана шундай фикр уйғотади кишида. Бироқ, чиройли табрик хат билан одамларни алдайман, шу тариқа ўзимнинг ҳокимлигимни барчага курсатиб қўяман, деган вақтлар ўтган. Чунки, ҳозир замон бошқа.

Хуллас, Қорақалпоғистонда иш олиб борган комиссиянинг фикричa, Тахиатошдаги найранг ўзини кичикроқ булса ҳам, ҳар ҳолда подшоҳ деб ҳисоблаётган раҳбарлар учун яхши сабоқ бўлиши керак. Халқни алдашга, унинг ҳақига хиянат қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

М. ТУЛАГАНОВ.
(УзА).

Ҳақиқий футбол қироли ким:

ПЕЛЕМИ ёки ГАРРИНЧА?

Гарринча Манозль Франсиско дос Сантос. 1933 йил 19 декабрда Рио-де-Жанейро яқинида туғилган. Футбол бўйича 1958 ва 1962 йиллардаги жаҳон чемпиони. XX асрнинг энг кучли қанот ҳужумчиларидан бири.

У 1983 йил камбағаллар яшайдиган овлоқ уйлардан бирида вафот этди. Гарринча ўлган кун Бразилияда миллий мотам кунига айланди.

Ёши улуғ футбол ишқибозлари 1965 йил Лужникида бўлган Бразилия-СССР терма жамоалари баҳсини яхши эслайдилар. Ўйин, табиий, телевидение орқали олиб кўрсатилган эди.

Пеле ва кимсан... ўша Гарринчанинг келиши ҳазилакам воқеа эмасди. Яшиндек дарвозабон ундан чўчирди. Айтишларича, у ўз юрти Бразилияда дарвозага тупни шунақанги зарб билан йўналтирган эдики, дарвозабоннинг ҳамма ковурғаси синган эди...

Ана шундай улуғ футболчининг ҳаёти гоят ачинарли бўлган. Унинг биринчи никоҳдан туғилган яккаю ягона ўғли фожиали ўлган. Уни қуприкдан ўтиб кетаётган юк машинаси уриб юборган. Бола жасадини узоқ қидиришган, машинани сув остидан тортиб олишгандагина уни топишган. Етти қиз орасидаги ёлғиз ўғил Манэни доглаб кетди. Чунки у ўз ҳаётининг давомчисига катта умид боғлаган эди. Зотан, болакай тўққиз ёшидаёқ ажойиб футболчи бўлиб етишаётганлигини намоён этганди.

Биринчи хотинини ташлаб Гарринча Бразилиянинг таниқли эстрада қушиқчиси Эльза Соаресга уйланади. 60-йилларнинг ўрталари... Гарринча жароҳат олган. Лекин уни ўйнашга мажбур этадилар, чунки Оврупо бўйлаб сафар «Ботафого» клубига катта даромад келтирарди. Гарринча футбол корчалонларининг айтганига юрмайди, бунга жавобан икки йил уни командада ўйнатмай қўядилар. Гарринча ича бошлайди. Эльза уни ичкиликдан қайтармоқчи, унга ўғил фарзанд ҳадя этмоқчи бўлади. Лекин, афсус...

Гарринча учрашув тугашига 15 минут қолганда Лужникидаги майдонга тушади. Бразилияликлар тренери уни ўйинга қўймоқчи ҳам эмасди (Манэнинг тоби қочганроқ эди). Лекин улкан стадион ўйин охирлаб бораётганини қуриб жумбушга келганди: «Гар-рин-ча! Гар-рин-ча!» деган хитоблар бетўхтов янграр, москваликлар тирик афсонани ўз кўзлари билан кўришни истардилар.

Бир куни Италияда, Швециядаги жаҳон чемпионати бошланиши арафасида, шундай воқеа юз берди: бразилияликлар ютиб туришибди. Гарринча бутун ҳимояни, дарвозабонни яна бир бор алдаб ўтгач тўп киритиш ўрнига дарвоза чизиғи олдида тўхтаб қолади ва ҳимоячилардан биронтаси келиб жойини эгаллаши ҳамда тезроқ дарвозабонга ёрдам қилишини кутиб туради. Ниҳоят ҳимоячилардан бири юрак ютиб келади. Манэ уни яна бир бор алдаб ўтади ва тўп билан бирга ўзи ҳам дарвозага киради.

У рақиби билан яккама-якка келганда кўзларига тик қарар, гўё уни гипноз қилиб қўярди... Ҳимоячилар асабийлашар, шунда Манэ ўзининг машҳур алдамчи ҳаракатларини бошларди!

Алдамчи ҳаракатлардан сўнг Гарринча кўпинча майкаси йиртилган ҳолда майдондан чиқарди — шиддаткор ҳужумчини бошқачасига тўхтатиб булмасди-да! Манэ ҳатто ҳар бир ўйинга кийиш учун энг эски майка беришларини сурарди.

... Пеле ва Гарринча. Икки хил тақдир: бири спорт вазири бўлди, иккинчиси ночорликда ўлим топди. Футбол тожини уларнинг қай бирига бериш кераклиги хусусида қанча тортишувлар бўлган эди. Уларнинг ўзлари бир-бирларига одоб билан муомала қилишар, Гарринча, Пеле яхши ўйнайди, деса, Пеле бунинг аксини айтарди.

Нима ҳам дердик, тақдир экан — улар пешонасида борини кўрдилар. Аммо Бразилия ҳам ўзига шон-шуҳрат келтирганларни вақтида қадрига етмаганлиги учун қаттиқ жазо олди. 1958 йил. Пеле ва Гарринчанинг иккаласи ажойиб ўйин кўрсатганда Бразилия чемпион бўлган! 1962 йил. Пеле шикастланди. Гарринча оламни қойил қолдириб, амалда бир ўзи Бразилия учун Маъбудани олиб берди. 1966 йил, уларнинг ҳар иккисини ҳам ҳимоячилар ишдан чиқардилар — натижада Бразилия финалгача ҳам етиб боролмай Англиядан қуруқ қайтади. 1970 йил. Энди Пеле маҳорат чўққисини забт этиб, командани биринчи ўринга олиб чиқади! Сўнг Пеле ҳам футболдан кетади... Шундан кейин йигирма тўрт йил (24 йил!) Бразилия бу икки буюк ўйинчи қилган ишни такрорлай олмади...

ЭЪЛОНЛАР

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

ТУРМУШДА БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДАГИ АСОСИЙ ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ.

Газ плитасини ёқишдан олдин хонани шамоллатиш керак. Газ ёқиқ вақтида ошхонанинг дарчасини очиб қўйинг, шамолатиш йўлларини епманг.

Газ плитаси духовкасини ёқишдан олдин ҳам уни шамоллатинг, Таги кенг идишларни конфоркага қўйганда мосламадан фойдаланинг.

Газ колонкасидан фойдаланиш олдидан ва ёқилганидан 3-5 минут ўтгач дудбуроннинг тортиш кучини текширинг.

Газ жиҳозларини озода сақланг, у ёқиқ бўлганда қаровсиз қолдирманг.

ХОНАДА ГАЗ ҲИДИ СЕЗИЛСА:

— хонани ШАМОЛЛАТИНГ;
— ОЛОВ ЁҚМАНГ;
— ЭЛЕКТР ЖИҲОЗЛАРИНИ ЁҚМАНГ ВА УЧИРМАНГ.
— 04 ТЕЛЕФОНИ ОРҚАЛИ АВАРИЯ ХИЗМАТИНИ ЧАҚИРИНГ.

Носоз электр жиҳозларидан фойдаланманг. Ташқаридаги ҳаво босими ошганда, газ баллонларини ишлатишда эҳтиёт бўлинг;

— БАЛЛОНЛАРНИ ГАЗИ БИЛАН ҚУЁШДА ҚОЛДИРМАНГ;
— УЛАРНИ ЙЎЛАКДА, ПОДВАЛДА, ҲУЖРАДА, ТУРАРЖОЙ БИНОСИДА, ОЛОВ ЯҚИНИДА САҚЛАМАНГ, ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИГА БОЛАЛАРНИ, УНИ ИШЛАТИШНИ БИЛМАГАН КИШИЛАРНИ ЙЎЛАТМАНГ.

ЁДИНГИЗДА БЎЛСИН!

- Газнинг ҳаво билан аралашмаси кичик учқун таъсирида портлайди ва ёнгинга олиб келади.
- Газ жиҳозларини тўғри ишлатабилиш - Сизнинг хавфсизлигингизга кафолат беради.

«ТОШВИЛОЯТГАЗ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳокимликнинг миллатлараро муносабатлар, жамоат ташкилотлари, дин, ёшлар, фахрийлар билан иш олиб бориш мажмуи мутахассиси

ТОНКОНОГОВ
Марк Ефимовичнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва қариндош - уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

Муҳаррир: **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.*

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0241. 17198 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.30.